O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 7-oktabr № 121 (2846) payshanba

# Она замин саховати



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

## САҲИФАЛАРИМИЗДА



### Отам эккан тераклар

7-бет



### Идрок ўғриси

11-бет



### Айиқ билан беллашган полвон

12-бет

# Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябр куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Кегейли туманидаги «Давлат» фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

— Деҳқонга зарур шароит яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, — деди Ислом Каримов. — Уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учрашувда қорақалпоғистонлик фермерлар қишлоқ аҳлига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ютуқларимизнинг асосий омили бўлаётир, — деди Элликқалъа туманидаги «Фарҳод Қўшназаров» фермер хўжалиги раҳбари Халилла Қўшназаров. — Деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бормоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар ҳосилдорликни ошириш имконини бераётир.

Кегейли туманида иқтисодий-ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, уларни Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Мақсадимиз биз қураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустаҳкамлашдан иборат, — деди Президентимиз. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйсак, шу йил 20 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлиси минбаридан айтган мақсадларимизга албатта етамиз.

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар хусусида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг генофондини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардандир.

Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидаги учрашувда бу долзарб масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

— Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демакдир, — деди Ислом Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Ғайратдин Хўжаниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Узоқбой Айтжонов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Кегейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

«Кегейли бўян» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси қошида ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган мазкур кичик корхона ишга туширилиши муносабати билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хорижий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Компютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси асосан ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётир. Корхона таъсисчиси — «Абил-боғ» фермер хўжалигида айни кунларда бўрдоқичилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга кўрк бағишлаб турган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожи, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморлик услубида бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига уйғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос дарахт кўчатлари ўтқазиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий таълим стандартлари асосида илм-фан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносида талабалар учун барча қулайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни информацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мужассам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари**

# «ЎЗМЕДЭКСПО — 2010» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залида «Ўзмедэкспо — 2010» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Кўргазма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.**

Мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолияти тобора такомиллашмоқда. Она ва бола соғлиғини асраш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишини таъминлашга оид кенг кўламли чора-тадбирлар дастурлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жаҳон тиббиётининг энг янги технологияларига асосланган замонавий диагностика ва даволаш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ўзмедэкспо» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасининг ҳам ўз ўрни бор. Бу йилги кўргазмада Россия, Беларусь, Германия, Польша, Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари каби хорижий давлатлардан қатор етакчи фармацевтика компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазмада мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг ана шундай ўзига хос ютуқлари, диагностика ва даволаш технологиялари, стоматология жиҳозлари кенг намойиш этилмоқда.



**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат**

Касаба уюшма тадбирлари



# Ҳашарчилар рағбатлантирилди

***Бободеҳқон минг машаққат билан етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ўта масъулиятли палла. Бу жараёнда фаоллик кўрсатаётган ҳашарчиларни рағбатлантиришга касаба уюшмалари ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Хусусан, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси теримчиларни рағбатлантириш, улар учун намунали дам олиш шароитлари яратиш, терим пулларининг вақтида тўлиқ тўланишини таъминлаш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда.***

— Деҳқонлар, ҳашарчилар бир замонлардагидек қўрқув ёки мажбурият туфайли эмас, балки виждон амри билан теримга ошиқаётганини кўраяпмиз. Ушбу умумхалқ ишига шерик бўлиш ҳар бир инсон учун шарафдир, — дейди бирлашма раиси Раҳимберган Матрасулов. — Бугунги кунда ҳашарчилар меҳнатини рағбатлантиришга эътиборни кучайтираяпмиз. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бу борада бизга ибрат бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон темир йўллари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Қ.Собиров ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Р.Матрасулов Қўшкўпир туманидаги «Барака» фермер хўжалигида бўлиб, йиғим-терим жараёни билан танишишди.

— Касаба уюшмаларининг эътиборидан бениҳоя мамнунмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари С.Бобожонов. — Юртимиз пахта хирмонига баракали улуш қўшиш йўлида янада ғайрат-шижоат билан ҳаракат қиламиз.

Илғор теримчиларга касаба уюшмаларининг совғаларини топшириш тадбирлари барча туманларда давом этмоқда.

* * *

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходими Марат Ибрагимов ҳамда Хоразм вилоят тармоқ кенгаши раиси Муяссар Раҳимова янгибозорлик пахтакорлар ҳузурида бўлишди. Касаба уюшма вакиллари ҳашарчиларга терим пулининг ўз вақтида берилиши, сифатли овқатланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар.

140 нафар ҳашарчига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашининг қимматбаҳо туҳфалари топширилди. Шунингдек, хазораспликлик 35 нафар ҳашарчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фахрий ёрлиқ ва совғаларига сазовор бўлди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch мухбири**



# Хирмонга барака

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитасининг бир гуруҳ вакиллари пахта далаларига йўл олишди. Янгийўл, Чиноз каби туманлардаги ҳашарчиларга фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари тарқатилди.

Самимий руҳда ўтаётган бундай тадбирлар ҳашарчиларнинг кайфиятини кўтариб, терим суръатининг ошишига замин яратмоқда.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Эътибор

# Доимо эъзозда

***Мамлакатимизда уч босқичли замонавий таълим тизимининг жорий этилиши, ўқув муассасалари моддий-техник негизининг такомиллаштирилиши, илғор педагогик технологияларнинг жалб этилиши соҳа қиёфасини тамомила ўзгартирди. Барча мактаб ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида изланувчан, меҳнатда ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантиришга қаратилган директор жамғармалари тузилди.***

Ҳар йили касб байрами арафасида кўплаб фаол, ташаббускор, изланувчан педагоглар давлатимизнинг фахрий унвонлари, юксак орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Буларнинг бари ёш авлод қалби-ю онгига билим билан бирга истиқлол ғояларини чуқур сингдираётган ўқитувчи ҳамда мураббийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ифодасидир.

Ўқтувчи ва мураббийларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган хайрли ишлардан касаба уюшма ташкилотлари ҳам четда тургани йўқ. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма кенгашлари ташаббуси ва бевосита ҳомийлигида «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан турли тадбирлар ўтказиш давом этмоқда. Жумаладан, барча вилоятларда иши намунали педагог ходимларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг фахрий ёрлиқлари, Марказий ва ҳудудий кенгашларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши ва Нукус шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!» деб номланган тантанали кеча ва байрам концерти ташкил этилди. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ҳам вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгаши, халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимияти, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида байрам тадбири ўтказилиб, 200 дан ортиқ ўқитувчи ва мураббий тадбир ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида байрам муносабати билан турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

**Маҳмуда МУРЗАЕВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси**

# Шинам жиҳозлар

Самарқанд туманидаги «Гулобод мебел» корхонасида олиб борилаётган технологик янгиланиш туфайли ишлаб чиқариш салмоғи ошмоқда.

Хитой, Украина ва Россия давлатларидан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилгани боис маҳсулот тури 80 тага етказилди. Жорий йилда 82 минг АҚШ долларига тенг жиҳозлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар мижозларга манзур бўлиб бормоқда.

Гулободлик мебелсозлар айни чоғда замонавий типда барпо этилаётган қишлоқ хонадонларига мос ихчам, қулай жиҳозлар тайёрлашга киришган.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди

Андижон тумани ФҲДЁ бўлими қайта таъмирланган бинога кўчиб ўтди. «Ризо» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари 94 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, ушбу бинони тўлиқ таъмирдан чиқарди. «Бахт уйи»да ёш келин-куёвларнинг шодлик онлари узоқ вақт ёдда сақланиб қолиши учун барча шароит яратилган.

Ушбу бинонинг очилиш маросими катта тантанага айланди. «Бахт уйи»да илк маротаба келин-куёвлар Д.Деҳқонов ва Г.Маъмурованинг никоҳи қайд этилди. Уларни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Ёқубова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Р.Шамсутдинов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ш.Саидов самимий қутлашди.

**А. ЮНУСОВ**

# «Юксалиш»нинг юксалиши

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Касби туманида замонавий «Юксалиш» қўрғони бунёд этилмоқда.

Бу ерда дастлаб қуриб битказилган 20 та уйга ёш оила кўчиб кирди. Янги иморатларни «Очилов Нодир Қодирович» хусусий корхонаси қурувчилари барпо этди.

Қўшни Комилон қишлоғида ҳам 20 та уй қурилаяпти. Уни Холмирза Равшанов бошлиқ «Аланга махсус қурилиш» унитар шўъба корхонаси бинокорлари бунёд этмоқда. Лойиҳа қиймати 1 млрд. 176 млн. сўм бўлган янги турар-жойлар фойдаланишга топширилиш арафасида.

Ҳар бир коттежнинг лойиҳа қиймати 58 млн. 800 минг туради. Дастлабки аъзолик бадали 17 млн. 500 минг сўм, қолган 37 млн. 680 минг сўми 15 йил мобайнида «Қишлоқ қурилиш банк»нинг кредитлари ҳисобидан қопланади.

— Келгуси йили яна 20 та ҳовлили коттеж қурилади, — дейди бригада бошлиғи Ш.Ёқубов. — Қишлоқ чирой очиб, янада гўзал бўлиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

# Инсон азиз

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусидаги давра суҳбати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси, бирлашма кенгаши раиси Н.Тоғаеванинг «Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — бош мақсадимиздир», вилоят Ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи, майор У.Адизовнинг «Юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини сақлаш — энг муҳим вазифамиз», Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси А.Бобомуродованинг «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch 2010-yil 7-oktabr № 121 (2846)



# Аяган кўзга чўп тушмайди

**_Уста уста эмас, унинг иш қуроли уста, деган нақл бор халқимизда. Ўткир пичоқ ёки пойтешадан кўра ўтмас пичоқ ёки пойтеша хатарлироқдир. Мураккаб техника ва технология билан боғлиқ корхоналарда янада йиғинчоқлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол АДИЛОВ билан суҳбатимиз ҳам ана шу мавзудадир._**

**_— Энг катта бойлик — сиҳат-саломатлик. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларини ишгами, сафаргами кузатаётиб, ой бориб, омон қайтгин, дея дуо қилишади. Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масаласига тобора қатъият билан ёндашаётгани бежиз эмас. Қурултойдан қурултойгача бўлган даврни мухтасар таҳлил қилганда, бу кўпроқ нималарда намоён бўлади?_**

— Авваламбор, ўтган давр мобайнида ходимларнинг меҳнати муҳофазаси, уларга яратилаётган меҳнат шароитларига эътибор анча кучайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон КУФК тизимидаги меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар корхона ва ташкилотларнинг қарийб 24 мингта касаба уюшма қўмитасига хизмат кўрсатиб келмоқда. Фаолияти ўрганилган корхоналарда ҳар йили меҳнат қонунчилиги ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қоида ва меъёрларнинг 30 мингдан ортиқ ҳолатда бузилишлари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар берилади ва улардан 80-85 фоизи касаба уюшмалари фаолларининг аралашуви билан барҳам топади.

Бугина эмас. Корхона ва ташкилотларда иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича йилига 200 минг атрофида чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг 90 фоиздан ортиғи бажарилади. Агар ЎзКУФК раёсатининг 2007 йил 10 майдаги 5-13 сонли қарори билан Федерация кенгаши аппаратида «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими ташкил этилганлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашларида ҳам шундай бўлимлар фаолият кўрсата бошлаганлигини назарда тутадиган ва юқорида зикр этилган рақамларни учга кўпайтирадиган бўлсак, қанчалар кенг кўлам кўз ўнгимизда намоён бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Охирги йилларда қисқартирилиб юборилган Алоқа ходимлари ҳамда Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари қайта тикланганлиги ҳам айни муддао бўлди.

**_— Соҳадаги асосий принциплардан бири, бу ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигидан келиб чиқиб, аввалбоши ушбу масалага масъул кишиларнинг билим ва савияларини зарур даражада ушлаб туриш, қолаверса, барча ишловчиларда шундай кўникмани ҳосил қилишдир._**

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Деярли барча ҳудудларда меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув-семинарларини ўтказиш йўлга қўйилди ва бугун биз унинг натижасини кўриб турибмиз.

Ушбу саъй-ҳаракатлар анча илгарироқ, яъни 2007 йилнинг 24 майида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон КУФК томонидан ташкил этилган «Иқтисодиётнинг барча секторларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференция билан бошланган эди, десам асло муболаға бўлмайди. Унда республика касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, шунингдек, давлат қўмиталари, жамоат ташкилотлари, таълим ва фан муассасалари вакиллари иштирок этдилар. Конференцияда Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Беларус, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон касаба уюшмалари Федерациялари вакиллари масалага оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Иш режасига биноан 2008 йилда водий вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари мудирлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари, шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари ҳамда Андижон шаҳридаги корхона ва ташкилотларнинг соҳа вакиллари ва муҳандислари иштирокида ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича семинар ўтказилди.

Ана шундай семинар бир йил ўтиб, Бухоро шаҳрида ташкил этилди. Кун тартибига киритилган масалалар ўта долзарб эканлиги билан ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, меҳнат муҳофазасини бошқариш муаммолари, дунё мамлакатларининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурталаш тизимлари ҳамда ушбу йўналишда республикамизда олиб борилаётган ишлар, бугунги кунда мавжуд ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ҳолати, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138- ва 182-Конвенциялари, шунингдек, Давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар ҳамда ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари аҳволи, улар туфайли етказилган зарар суммаларини ўз вақтида ва тўғри тўланишига оид масалалар кенг муҳокама қилинди.

2009 йилнинг 28 апрелида ХМТ ҳамда ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда Тошкентда ўтказилган Халқаро Меҳнат муҳофазаси кунига бағишланган семинар ҳам кўпгина масалаларга ойдинлик киритди.

**_— Аёллар меҳнати, болалар меҳнати... Булар бевосита баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ўқув-семинарларда кун тартибидан тушмай келади._**

— Тарих шоҳид: полвонлар ҳам, олиму фузалолар ҳам соғлом онадан туғилади ва соғлом турмуш тарзи таркиб топган оилада камолга етади. Айнан шунинг учун ҳам ушбу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан 2009 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамкорликда барча вилоятларда «Аёллар қўлда юк кўтаришлари ва ташишлари бўйича йўл қўйиладиган чегаралари санитария нормалари»дан келиб чиққан ҳолда, аёлларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишловчи аёлларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояси, уларга иш жойларида нормал, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратишни амалга ошириш бўйича семинар машғулотлари ўтказилди. Унда касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, тегишли вилоят ташкилотлари вакиллари иштироки таъминланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси»ни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан фермерлар ўртасида қишлоқ хўжалиги ишларига болаларни жалб этишда қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўймаслик масалалари юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш Дастури тузилиб, тасдиқланди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ушбу масалага алоқадор идора ва ташкилотлар масъуллари билан биргаликда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фаоллари бошчилигида илғор фермерлар иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Шубҳа йўққи, ушбу масалалар бундан буён ҳам долзарб бўлиб қолади ва улар, табиийки, иш режаларимизда муҳим ўрин тутади.

**_—Аҳволни ўнглаш ва соҳа кишиларини рағбатлантириш, қолаверса, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида барча тармоқларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўрик-танловлар ташкил этилганидан хабаримиз бор. Самараси қандай бўлаяпти, илгарига қараб силжиш кўзга ташланаяптими?_**

— IV Қурултой қарорларини ижро этиш ҳамда ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини янада юксалтиришни кўзда тутиб, корхоналарда 2006-2007 йиллар ва 2008-2009 йиллар якунлари бўйича республика кўрик-танловлари ўтказилди.

Унга кўра, 2006-2007 йилларда Элликқалъа туман марказий шифохонасининг касаба уюшма қўмитаси, Самарқанд шаҳар 2522-автожамланмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси, «GM-UZBEKISTAN» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Акромжон Кимсанов, 2008-2009 йилларда эса Андижон вилояти «Ўз-Донг Жу Пэинт Ко» МЧЖ қўшма корхонасининг касаба уюшма қўмитаси, Тошкент шаҳридаги «Баракат Алфа» МЧЖ қўшма корхонасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» Бухоро ҳудудий бўлимининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Леонид Жуков ғолиб деб топилиб, улар ЎзКУФКнинг 1 даражали дипломлари ва республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдорида пул мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек, II ва III ўринларни эгаллаган иштирокчилар ҳам тегишли диплом ва пул мукофоти билан рағбатлантирилдилар.

Кўрик-танлов, авваламбор, биз учун меҳнат муҳофазаси бўйича ўзига хос тарғибот-ташвиқот вазифасини ўташи, қолаверса, ғолиб ва совриндорларнинг иш тажрибаси бошқалар учун ибрат намунаси эканлиги билан ҳам ғоят аҳамиятлидир.

**_— Меҳнатни муҳофаза қилиш — бир кунлик, бир соатлик тадбир эмас. Бу масала ҳар лаҳза назоратда бўлиши лозим. Шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтириш учун яна нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?_**

— Мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши, янги технология ва жараёнларнинг кириб келиши ўз таъсирини ўтказмоқда, албатта. Энди буларни ҳисобга олиб иш тутмаса бўлмайди. Барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйилиши зарур. Бу давр талаби, эртанги кун олдимизга қўяётган вазифалардан бири ҳам шу.

Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури», 2007 йилнинг 5 июлида 06\7-717-сон билан тасдиқланган «Саноат хавфсизлиги соҳасида меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш графиги»га биноан меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган 100 дан ортиқ қоидалар ва йўриқномалар атрофлича таҳлил этилиб, улар юзасидан таклифлар берилди.

Корхоналардаги иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ходимлар саломатлигига таъсир этувчи зарарли омилларни камайтириш, ходимларни санитария-маиший хоналар ва қурилмалар билан тўлиқ таъминлашга айрим иш берувчилар томонидан панжа орасидан қараб келинаётганлиги билан энди муроса қилиб бўлмайди. Касаба уюшма органлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар қўмита раислари фақат қулай, бехатар меҳнат шароитида ишлаётган ходимларнинг иши унумли бўлиши, унумли меҳнатдан эса ходим ҳам, иш берувчи ҳам, қолаверса, касаба уюшма ташкилоти ҳам бирдек манфаатдор эканликларини ёддан чиқармасликлари лозим.

Зеро, аяган кўзга чўп тушмайди.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**

# «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Ҳеч шубҳа йўқки, дунёда камдан-кам барпо этилган, керак бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши, наинки Қашқадарё воҳаси салоҳиятини, айни пайтда бутун мамлакатимизнинг индустрия кудратини янги босқичларга кўтаришга беқиёс ҳисса қўшади.

Ислом КАРИМОВ

## Баркамоллик сари

«Шўртангазкимё» мажмуасининг кенг ва шинам мажлислар зали саҳнасида «Иқтидорли болалар» танловида иштирок этаётган кўҳликкина қизчанинг бийрон жавоблари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

Танлов сўнггида қизи Зулфиянинг Украина давлатининг Юрий Гагарин номидаги оромгоҳида бепул дам олиш ҳуқуқини қўлга киритганини эшитган Гулбаҳор Назарованинг мижжалари севинч ёшларига тўлди. Наҳотки, оддий фаррошнинг қизи ғолиб чиқиб, Украинага борса! Кечадан буён юрагига ғулғула солиб турган шубҳалари тарқалган онанинг саҳнада танлов натижаларини эълон қилаётган касабақўм раисига ҳурмати юз чандон ошди.

«Иқтидорли болалар» танлови якунига кўра, ғолибларнинг 50 нафари Туркия, 30 нафари Украина давлатларининг машҳур болалар оромгоҳларида дам оладиган бўлишди. 30 нафарига эса мажмуанинг «Лочин» оромгоҳида ҳордиқ чиқариш учун бепул йўлланма берилди.

* * *

Шухрат Қурбонов — нефт ва газ қидирув соҳаси бўйича олий маълумотли инженер, 1995-2000 йилларда Тошкент Давлат техника университетида таҳсил олган. 2004 йилда «Шўртангазкимё» мажмуаси касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимига сайланган. Жорий йилда бу лавозимга у қайта сайланди. Ҳаракатчан, ҳар бир гапни мулоҳаза билан гапирадиган, ўрта бўйли, юзлари офтобда қорайган касабақўм раисининг ҳамиша вақти зиқ. Уни гоҳ болалар боғчасида, гоҳ оромгоҳда, ишлаб чиқариш мажлисида, ота-оналар йиғилишида, ишчи-хизматчилар ҳузурида учратиш мумкин. Режали ишлашга ўрганган раис эрталаб ён дафтарчасига туширган юмушларнинг ҳаммасига улгуришга ҳаракат қилади.

— Ҳозир Қарши шаҳридаги «Геолог» стадионига борамиз, — дейди у қисқагина салом-аликдан сўнг.

Машина мажмуадан Қарши шаҳригача бўлган 35 километрлик масофани босиб ўтиб, «Геолог» стадиони ёнгинасида тўхтади.

Тоза, озода, саҳни яшил майса билан қопланган стадионга киришингиз билан баҳрингиз очилади. Ўйингоҳ билан ёнма-ён жойлашган Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғининг қарийб бир гектарлик сузиш ҳавзаси тарафдан юзингизга салқин шабада урилади. Стадионнинг чор-атрофида шинам спорт заллари, мураббийлар ва маъмурият ходимлари учун мўлжалланган хоналар жойлашган.

8 минг томошабинга мўлжаллаб қайта қурилган стадион ғарбий ва шарқий трибуналар, ёпиқ манеж, футбол майдони, ёзги пляж, пляж футболи майдони, 520 ўринли томошагоҳ ва болалар спорт майдончасидан иборат. Бу ерда шейпинг, аёллар машқ заллари, спортнинг бодибилдинг, ушу, каратэ-до, волейбол, баскетбол, гандбол, мини футбол, бадиий гимнастика каби ўндан ортиқ тури бўйича секциялар мавжуд. Мазкур секцияларда айни пайтда 5 минг нафарга яқин ўғил-қиз ва ишчи-хизматчи шуғулланишмоқда.

Бу ерда спортнинг каратэ-до, ушу, баскетбол, волейбол каби турлари бўйича Жаҳон ва Осиё чемпионлари, мамлакатимизда танилган спорт усталари мураббийлик қилишади.

Пляж футболи ҳақида кўпчилик ҳали яхши тасаввурга ҳам эга эмас. «Шўртангазкимё» мажмуаси маданият ва спорт соғломлаштириш марказида хотин-қизлар, эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Осиё қитъасида илк бор ўтказилган пляж футболи бўйича Қарши шаҳрида жаҳонда биринчи бор аёллар ўртасида мусобақалар ташкил этилди.

Машқ залларидан фойдаланилганлик ва мураббийлар учун тўловлар касаба уюшмаси қўмитасининг алоҳида назоратида. Мажмуа ходимлари умумий сумманинг 20 фоизини, уларнинг фарзандлари ва ака-укалари 50 фоизини, четдан ихтиёрий равишда келувчилар эса 100 фоизини тўлайди.



2004 йилдан буён Ўзбекистон чемпиони, Осиё ўйинларида бир неча бор совринли ўринларни қўлга киритган «Севинч» футбол жамоасининг ҳам қизиқарли тарихи бор. Олег Юмангулов, Алишер Казаков, Никинич Хан каби тажрибали мураббийлар Қарши шаҳрида яшовчи маҳаллий хотин-қизлардан шунчаки футболга қизиқиш туфайли ташкил топган ҳаваскор жамоанинг истиқболини кўра олишди.

Улар жамоани шакллантириб, бир неча бор футбол мусобақаларида иштирок этишди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўла бошлади. Лекин маблағ етишмовчилиги, тузукроқ ҳомийнинг йўқлиги туфайли жамоанинг имкониятлари чекланиб қолди. Ана шундай шароитда «Шўртангазкимё» мажмуаси раҳбариятига таклиф билан чиқилди.

Маъмурият томонидан масалани кўриб чиқиш ва таклиф киритиш касаба уюшма қўмитасига тавсия этилди. Қўмита раиси Шуҳрат Қурбонов бир неча фаоллар билан бирга «Севинч» қизлари ҳузурида бўлди. Шароит билан танишди, обдан суҳбатлашди. Қарши тиббиёт коллежи спорт базасидаги стадионда тўп тепувчи, футболни жон-дилидан севувчи қизлар билан суҳбатлашгач, уларнинг қалбида футболга қизиқиш эмас, катта меҳр борлигини илғаб олди.

Касабақўмнинг «Севинч» хотин-қизлар жамоасини мажмуа ҳомийлигига олиш ҳақидаги таклифи маъмурият томонидан ҳам маъқулланди. Ана шундан сўнг жамоа учун ойдин кунлар бошланди.

— Президентимиз Қарши шаҳрида бўлганида, марказимизга ташриф буюриб, «Севинч» қизлари билан учрашгани воҳамиз спорти ҳамда хотин-қизлар футболи тарихида қувончли кун бўлиб қолди. Юртбошимиз марказда бўлиб, қўшимча иншоотлар қуриш, атрофни ободонлаштириш ҳақида маслаҳатлар берди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси мамнуният билан.

Касаба уюшма қўмитасининг «Баркамоллик» спорт соғломлаштириш дастурида мажмуа ишчи-хизматчиларининг фарзандларини болалар боғчасидан бошлаб маънавий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаш тадбирлари ишлаб чиқилган. Мажмуага қарашли Нуристон шаҳарчасидаги «Эркатой-1», «Эркатой-2», Қарши шаҳридаги «Эркатой-3» болалар боғчаларида ишчи-хизматчиларнинг 600 нафардан ортиқ ўғил-қизи тарбияланади.

Болалар боғчаларида спорт тадбирларини ўтказишга бир неча спорт йўриқчилари жалб этилган. Соҳадан хабардор, ўз ишини яхши билган мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиб, касаба уюшма қўмитаси томонидан жорий этиш учун тавсия этилган спорт машқларининг тегишли йўналишлар бўйича бажарилиши юзасидан мониторинг кузатувлари ўтказилаётганлиги боғча мудиралари зиммасига алоҳида масъулият юклаяпти.

Хотин-қизлар ўртасида ташкил этилаётган «Мажмуа маликалари», «Она ва бола», «Бизнинг оила», «Отам, онам ва мен» каби кўрик-танловлар, спартакиадалар дастурлари йўналиши асосан оилада тарбиявий ишларни спорт-соғломлаштириш тадбирлари билан қўшган ҳолда олиб боришга қаратилаяпти. Кўрик-танловлар шартидаги саволларга жавоб топиш жараёнида оналар бола тарбияси бўйича анчагина билим ва маълумотларга эга бўлади.

Ходимларнинг фарзандига кўрсатилаётган ғамхўрликка яна бир ёрқин мисол мажмуа тасарруфидаги «Лочин» болалар оромгоҳи фаолияти билан боғлиқ. Мажмуа тасарруфига ўтгунга қадар «Лочин» пастқам бино ва тор йўлаклардан иборат кўримсизгина оромгоҳ эди. 2001 йил «Энг замонавий оромгоҳ — энг мукаммал лойиҳа» дастури асосида бутунлай қайта қурилди. Бугун Хисорак дарёси ирмоғининг ёнгинасидаги гўзал масканда жойлашган «Лочин» мамлакатдаги энг яхши оромгоҳлардан бири, деб эътироф этилаяпти.

Кейинги йилларда халқаро талабларга мос оромгоҳ сифатида эътироф этилган мазкур масканда Туркия, Украина, Беларус давлатларидан ўқувчилар келиб дам олиб кетишаяпти. «Эсдаликлар» дафтарини очиб варақласангиз, ундаги қалб ҳаяжонларини, «Лочин»даги ҳар бир куни хотирага айланган ўқувчиларнинг дил сўзларини ўқиб, қалбингиз тўлқинланиб кетади.

Касаба уюшмасининг «Соғломлаштириш» дастурига мувофиқ ҳар йили ёзги мавсумда оромгоҳда ва чет эллардаги соғломлаштириш марказларида мажмуа ходимларининг уч минг нафарга яқин фарзанди дам олдирилаяпти.

Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг ўзларини соғломлаштириш борасидаги ибратли ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Зарарли меҳнат шароитида ишловчи ходимлар хориждаги даволаш масканларида, республикамиздаги санаторий-профилакторийларда навбатсиз соғломлаштирилаяпти. Бундан ташқари кўпгина ишчи-хизматчилар ёзги мавсум тугагач, «Лочин» оромгоҳида соғлиғини тиклашяпти. Улар учун куз-қиш ойларида барча муолажалар учун шароит яратилган.

Бундан ташқари, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси қарори билан «Энг фаол ходим» танлови ташкил этилган. Танловда касб малакаси юқори, маданий-маърифий, спорт соҳаларида, жамоат ишларида фаол ходимлар иштирок этади. Ҳар йили танлов ғолибларининг 30 нафардан ортиғи Туркиянинг даволаш масканларида, 50 нафардан ортиқ ходим эса республикамизнинг энг яхши санаторийларида даволаниб қайтаяпти.

Оммалаштиришга арзийдиган мана шундай тадбирлар бошида корхона касаба уюшма қўмитаси турганлиги қувонарлидир.

— Жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонларнигина баркамол дейиш мумкин. Президентимиз ўзларининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маънавият ва иқтисодиётни жамиятнинг қўш қанотига қиёс қилади, — дейди Шуҳрат Қурбонов. — Маънавияти саёз киши узоқни кўра олмайди. Бундайлар билан эса эл-юрт истиқболи ҳақида гаплашиш бефойда. Шу боисдан ўтказилаётган барча тадбирларимиз замирида ишчи-хизматчилар маънавиятини юксалтириш мақсади ётади.

Яна бир хайрли иш — корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг мажмуа тарихи музейини ташкил этиш ҳақидаги қўшма қарори қабул қилинганида айримлар «Корхона жуда ёш бўлса, унинг қандай музейи бўлиши мумкин», деган фикрларни билдиришганди. Лекин музей ташаббускорлари бежизга бу ишни бошлашмаган эди. Музей учун лойиҳа ҳужжатлари, пойдевор учун дастлабки қозиқ қоқиш ва ғишт қуйиш ҳақидаги фотосуратлар дастлабки экспонатлар бўлди. Бугун ана шу суратдаги кишиларнинг кўпчилиги жамоада йўқ. Такрорланмас дақиқалар музей туфайли тарихга муҳрланган.

Эзгулик эзгуликка йўл очгани туфайли, корхонада касаба уюшма ташаббуси билан амалга ошириладиган хайрли ишлар кўпайиб бораверади. Бунинг учун шижоат ҳам, шароит ҳам етарли.

Исмат ОЧИЛОВ,
журналист

Ishonch 2010-yil 7-oktabr № 121 (2846)

# Сўраган экансиз



**Қашқадарё вилояти, Қарши тумани Манғит қишлоғидаги 13-мактаб ҳисобчиси М.Самиев, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Ўртабўз қишлоғи фуқароси Қ.Амиров таҳририятимизга саволлар билан мурожаат қилишган эди.**

## Мазкур саволларга Халқ таълими вазири ўринбосари О.Собировдан жавоб олдик.

**Савол. «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси тўғрисида»ги Низомга асосан умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун бир марталик мукофотлаш, фавқулодда ҳолларда бериладиган моддий ёрдам пуллари миқдори қандай ҳужжатга асосланиб берилади?**

*Жавоб: «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар асосида уларнинг ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан белгиланади.*

**Савол: Мактабда олий маълумотли мутахассис ўқитувчи кам бўлса, устама ҳақ бир неча йиллар давомида фақат саноқли ўқитувчиларга тайинланиши мумкинми, яъни олий маълумотли бўлмаган ўқитувчиларга ҳам берилиши назарда тутилганми?**

*Жавоб: Ўқитувчиларга устама ҳақ ҳар йили ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакалари ва синфдан ташқари тарбиявий ишлари бўйича махсус комиссия низоми талаблари асосида ўтган ўқув йили натижаларига биноан, ҳар бир умумтаълим муассасалари қошида ташкил этилган махсус комиссия томонидан белгиланади.*

**Савол: Нафақадаги ўқитувчига неча соат дарс бериш мумкин? У бир ярим ставка миқдорида дарс талаб қилиши мумкинми?**

*Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорига асосан, барча ўқитувчиларга, шу жумладан, нафақадаги ўқитувчиларга ҳам педагоглар етишмаган тақдирда 1,5 ставкагача дарс беришга рухсат этилади.*

**Савол: Мактабда бир фандан 2 та олий маълумотли мутахассис ўқитувчи бўлиб, бири нафақада бўлса, дарс соати бир ставкага етмаса дарсни қандай тақсимлаш мумкин?**

*Жавоб: Бу ҳолатда дарс биринчи навбатда нафақада бўлмаган ўқитувчига тақсимланади.*

**Савол: Нафақадаги ўқитувчи ўтган иш фаолияти давомида малака ошириш курсидан ўтмаган бўлса, унга устама ҳақ тайинлаш мумкинми?**

*Жавоб: Махсус комиссия тўғрисидаги Низом талабларига кўра, ўз муддатида малака ошириш курсидан ўтмаган ўқитувчиларга, шу жумладан, нафақадаги дарс берувчи ўқитувчиларга ҳам махсус комиссия томонидан устама ҳақ тайинланмайди.*

**Савол: Нафақадаги ўқитувчига ўз мутахассислиги бўйича дарс етарли бўлмаса бошқа фанлардан дарс бериш мумкинми (масалан, рус тили ўқитувчиси ўзбек тили ва адабиёт фанидан)?**

*Жавоб: Қайта тайёрлов курсидан ўтмаган нафақадаги ўқитувчиларга ўз мутахассислигидан бошқа фандан дарс ўтишга рухсат этилмайди.*

**Савол: Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари қандай тартибда берилади?**

*Жавоб: Меҳнат Кодексининг 233-моддасига асосан берилди, яъни: аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда-етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.*

*Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъий назар аёлга тўлиқ берилади.*

# Талабаларга академик таътил

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шу йил 6 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

ҳарбий хизматни ўташ учун;
саломатлигини тиклаш учун;
ҳомиладорлик ва туғиш учун;
болани парвариш қилиш учун.

Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади:

ҳарбий хизматни ўташ учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;

саломатлигини тиклаш учун - 12 ойга;

ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

Талабаларга ўқиш давомида икки марта, истисно тариқасида, тиббиёт таълим муассасалари талабаларига кўра уч мартагача академик таътил берилиши мумкин.

Биринчи курс талабаларига академик таътил, истисно тариқасида, фақат уларнинг касаллиги туфайли берилиши мумкин.

Академик таътил таълим муассасасидан четлаштириш деб ҳисобланмайди. Бу даврда стипендиялар тўланмайди.

**Биласизми?**

Академик таътил олиш учун талаба таълим муассасаси ректори номига ариза билан мурожаат қилади. Аризага тегишли равишда тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси, ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги чақирув қоғози илова қилиниши лозим.

Талаба сурункали касаллиги сабабли бир ойдан ортиқ вақт давомида дарсларда қатнаша олмаса, унинг аризасига асосан академик таътил берилиши мумкин. Бунда академик таътил муддати ўтишининг бошланиши талаба дарсларда қатнаша олмаётган кундан бошлаб ҳисобланади.

Академик таътил олиш ҳақидаги мурожаат бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилиши лозим.



Талабага академик таътил бериш таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ушбу буйруқда академик таътилнинг бошланиш ва тугаш санаси кўрсатилиши шарт.

Саломатлигини тиклаш учун академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиш ҳоллари юзага келган тақдирда, академик таътилнинг муддати ҳомиладорлик ва туғиш учун белгиланган академик таътилнинг муддатига узайтирилади.

Талаба академик таътилга чиққан кундан бошлаб бир ой ўтмаган бўлса, таътилни бекор қилиш ва ўқишга қайтишни сўраб таълим муассасасига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш учун академик таътилда бўлган талабалар таътил бошланган санадан бошлаб 12 ой ўтгандан сўнг ўқишга қайтиши мумкин.

Академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган ва натижада бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирган талаба таълим муассасасидан четлаштирилади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Уйқу

Навбаҳор борлиқдан қиш уйқусини аритиб, инсон жисмига уйғониш ато этади, вужудингда ажиб ҳаётсеварлик ҳиси жўшади. Кўклам ҳавосини соғинганим учунми, кун илиши билан кўрпатўшагимни кўтариб, супага чиқаман. Тиниқ ҳаво, жимирлаган юлдузлар сеҳрига маҳлиё бўлиб алламаҳалгача кўзим илинмайди. Этни жунжиктирувчи совуқдан асрашини истаб шудринг томчиларидан нам тортган кўрпани устимга тортаман.

— Кап-катта одам, чошгоҳгача чўзилиб ётаверасанми? Аллоҳнинг фаришталари улашаётган ризқдан насибангни терсанг-чи...

Отамнинг бироз қаҳрли, шу билан бирга меҳр аримас овозидан уйғонаман, бироқ иссиқ ўрнимни совутгим келмайди. Ўзимни эшитмаганга солиб ётавераман...

Ҳар баҳорда шу ҳолат такрорланаверарди...

Ўн беш йилки, ҳар қадамимни терғаб, яхшиликка етаклаб турадиган отам йўқ. Қизиқ, энди уйқумни ҳеч ким бузмаса-да, мени негадир тонг уйқуси тарк этган, кимдир устимдаги кўрпани юлқигандек, нимадир оромимни ўғирлагандек уйғонаман ва шафақни қизартираётган қуёшга пешвоз чиқаман...

## БЕҲАЁЛИК

Тушликка қайтганимда, қизим ҳовлиқиб сўзлайди:

— Дада, тўйга таклифнома ташлаб кетишди, ўқувчингиз экан, бормасангиз хафа бўлармиш.

Одамовироқман, сокинликни ёқтираман. Тўй-ҳашамларнинг бўлгани яхши, аммо... Ҳурмат қилиб айтгандан сўнг тўйхонага кўриниш бериш шарт.

...Ширин тилаклар куй-қўшиққа туташиб кетади. Дастлаб қисиниб-қимтиниб рақс тушаётган ёш-яланг май дарёси оқавергани сайин бемаза қилиқлар кўрсата бошлайди. Раққоса «истиғно»лари билан эркини шаробга олдирган йигитларни жунбушга келтиради. Рақсдан кўра телба-тескари ҳаракатларга менгзаш ўйинлар жиғингга тегади.

— Жонгинам, бир бўса бер.

— Шугина пулингизгами.

Бу сўзларни эшитиб, овоз чиққан томонга шарт ўгирилдим, «жинлар базми»дан (бошқача аташга тилим бормади) фойдаланган «раққоса» бурчак-бурчаклардан пул теришга тушган, 35-40 ёшлардаги таниш, бола-чақали киши унга пул узатар, қўл чўзганда олиб қочар, бир тўда бола манзарани кузатарди. Ахийри, «раққоса» «мухлис»нинг талабини бажариб, пулга эга бўлди, томошабинлар қийқириб юборди.

Тўйхонани тарк этдим. Ажаб, биз нега бундай тубанлашиб кетаяпмиз, ҳаммаси ароқнинг ишими? Ўша киши сархушлиги тарқагач, ўз қилмишини ақл тарозисидан ўтказиб (агар бор бўлса!) изтироб чекармикин? Бўларбўлмасга қийшанглаб ер тепаётган ёшлар-чи? Билмадим, билолмадим, фақат уят, ҳаё аталмиш ноёблашиб бораётган фазилатлар ҳақида ўй суриб қайтдим.

## ЎҒРИЛАР

Шохбекат — шаҳарнинг энг гавжум гўшаларидан. Навбатдаги уловнинг жўнаш вақти эълон қилинди. Автобус олди йўловчилар билан гавжумлашди. Икки-уч нафар кўзлари бежо ўспирин тиқилинчни авж олдиради.

— Ўғрилар роса ишлашаяпти, — деди аллаким.

— Қани? Қаерда? — сўради бошқаси.

— Ҳув, ана, кўраяпсизми? Шу болалар ҳеч қаерга кетмайди, тиқилинчдан фойдаланиб, чўнтак тозалаяпти.

Суҳбатни эшитганлар кисавурларни таниб олганидан мамнун ҳолда ўзларига эҳтиёт бўлишади, аммо бирон кимса уларнинг танобини тортиб қўйиш ёки шу ҳудуд нозирига мурожаат этишни хаёлига келтирмайди, гўёки ҳаммаси содир бўлиши шарт воқеликдек, индамайгина кузатишади.

Юзидан нур ёғилиб турган момонинг тугунчасидаги пулни ўмаришаётганда, ёшгина қиз ўзини «тутиб» туролмади:

— Ҳой, ноинсоф, бувинг қатори одамнинг пулини ўғирлашга уялмайсанми?!

Бирданига автобус салонида шивиршивир бошланди.

— Ушлаб мелисага топшириш керак, — деди кимдир баралла.

Шу пайт... йигит қизчанинг юзига шапалоқ тортиб юборди:

— Нега туҳмат қиласан?

Воқеанинг кутилмаган тарзда ўзгариши ҳамманинг шаштини пасайтирди. Ҳеч ким қизнинг ёнини олишга ҳаракат қилмади. Шундай ғала-ғовур билан навбатдаги автобус юра бошлади, кисавурлар эса бирин-сирин сирғалиб тушиб қолди.

Сал нарида қарта ташлаб, тез-тез ўрнини алмаштираётган йигитча жағи-жағига тегмай йўловчиларни ёнига чорларди:

— Кеп қолинг, пул тиккан пул олади. Икки қораси меники, бир қизили сизники, пулингизни чиқариб қизилини топинг.

— Қип-қизил қимор бу, куппа-кундузи одамларни талашаяпти, ҳеч кимнинг иши йўқ, — яна ўша суҳбатдошлар гапида давом этади.

— Балки милиция ходимлари билишмас.

— Билишади, фақат ўзларини кўрмаганга олишади, эҳтимол қиморбозлар нозирга ҳақ беришаётгандир.

Кутилмаганда ички ишлар ходими қартачининг билагидан маҳкам ушлаб, биз томон етаклади.

— Акалар, кўпдан бери шуларни қўлга туширолмай юргандим, вақтингиз бўлса кўрганларингизни батафсил ёзиб берсангиз. Гувоҳ бўлмаса буларга жазо қўллаш мушкул.

Ўрнимдан қўзғалар эканман, ғийбатни авж олдирган икки суҳбатдош томон қарадим, улар нозирнинг гапларини эшитмагандек узоқлашиб борарди...

## ҚАДР

Бўёқ ҳиди аримаган китоб сотиб олдим. Муқоваси бежирим, қоғози сифатли. Бизда ҳам нашр сифати чет элликларникидан қолишмайдиган китоблар чиқарилаётганидан қувондим.

— Оғайни, яхши китоб шекилли, кўрсак бўладими?

Дид билан кийиниб, бўйинбоғ таққан киши менга бақрайиб турибди.

— Марҳамат.

У жилдни синчиклаб томоша қилди, балки жавонда қандай кўринишини чамалаётгандир.

— Буни қаердан олдингиз?

— Китоб дўконидан.

— Неча пул экан?

— 2700 сўм.

— Шунча қимматми, яхшиси буни олгандан...

Гапнинг давомини эшитишга сабрим чидамай бурилиб кетдим. Балки уни шу куни қайта учратмаганимда воқеани тезгина унутган бўлардим.

Тушлик қилиш учун ошхоналардан бирига кирдим.

— Оғайни, икки шиша пиво ҳам олиб келинг.

Таниш овоз. Яқиндаги столда эрталабки одам кўр тўкиб ўтирарди. Олдида бир килограммча қовурилган балиқ, нон, чой ва янги келтирилган пиво. «Яхшиси буни олгандан...» деган сўзларининг маъносини англагандек бўлдим...

* * *

Негадир мени сўнгги йилларда тонг уйқуси тарк этган. Атрофимизда содир бўлаётган, кишини ўйга толдирадиган ҳодисаларнинг ечимини излайман.

Қуёшга пешвоз чиқаман. У майин жилмайгандек туюлади, ниятларим ижобат бўлишига ишона бошлайман...

**Абдунаби АБДИЕВ**

# Отам экскан тераклар

Султонмурод тракторчи бир пиёла чой ичиб, гузарга чиқмоқчи бўлиб турганди, аёли:

— Эшитдингизми, Халил ошнангиз яп-янги машина олибди, сиз эса юраверинг карта ўйна-а-аб, — деб «чақиб» олди.

Султонмурод хотинининг сўзларига ишонмади. «Эй, аёл дегани кечаси кўрган тушини эрталаб рост деб, гапиравериди-да», деб қўйди.

Йўқ, Мастура бу гал тушини эмас, ростини айтган экан. Жума бозорига отланган Султонмуроднинг ёнига оқ «Матиз» келиб тўхтади. Қараса, дўсти Халил кулимсираб турибди. Машинага ўтириб, ошнаси билан ҳолаҳвол сўрашди, улов билан қутлади.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-ёв, — деди Халил ошнасига ўгирилиб.— Пенсияга чиқибсан, эшитмабман, ўзим ҳам рўзғорни деб икки йилдан бери андармон бўлиб кетдим. Катта неварамга иморат қурдим, ўртанчаси ишга кирди, бу йил эса манови «шеф»га шу аравани олиб бердим, — деди машинани бошқараётган йигитчани кўрсатиб.

Султонмурод ошнасининг сўзларига қулоқ тутиб, унинг анча ўзгарганига, аввалги бўш-баёв Халил эмаслигига ҳайрон қолди. Бозорга етиб келишгач, Султонмурод чўнтак кавлаган эди, «мени ким деб ўйлаяпсан», деб қойиб берди. Икки қадрдон чойхонада учрашамиз деб, бири мол бозорига, иккинчиси эса кийим-кечак растасига йўл олди.

Қуёш тиккага келганда, иккловлон бир пиёла чой баҳона суҳбат қурди.

— Биласан, ҳовлим катта ариқнинг бўйида, — дея сўз бошлади Халил ёстиққа ёнбошлаб. — Отам раҳматли бир йили ариқ ёқалатиб терак экиб чиққан эди. Тўрт-беш йил ўтгач, бўй кўрсатди, харидори кўпайиб қолди. Сотдим, бир белқарс пул бўлди.

Аёлим билан пулни нимага сарфлашни режалаётган эдик, уйимизга отамнинг узангидоши Турсун ота меҳмон бўлиб келди.

Суҳбат якунида отахон мендан:

— Хўш, ўғлим, ошнам экскан теракларнинг пулини нима қилмоқчисан? — деб сўраб қолди.

Тайинли режам йўқлигини айтдим.

— Бўлмаса, пулларни бу ёққа олиб кел!

Тугунни отахонга бердим.

— Қанча?

— Тўрт миллион.

— Яшириб қолганларинг йўқми, — дея отахон жилмайди ва пулни қўлтиғига солиб дарвозага етгач, «эртага ўғилларингни олиб, мол бозорга бор» деб, тайинлаб жўнаб кетди.

Эртасига Турсун ота саралаб ўттизта қўзи олиб берди. Ўшанда Наврўз арафаси эди. Ўзи бош бўлиб қамов қурдирди, ҳар куни тонг саҳарда туриб қўзиларни зовурнинг ёқасида боқдим. Отахон яна бир кун келиб томорқамнинг ярмига беда уруғини сочиб кетди. Сунбулада ўғилларим беш юз даста янтоқни ғарам қилиб қўранинг четига босишди. Кун салқинлагач, ҳар олтовига хом ғиштдан кичкина қўра қилиб боқишга киришдим. Эй ошна, қўй дегани ажойиб бўларкан, қарайверсанг, эт олавераркан. Тўққиз ой деганда, қўзилар кўзни қувонтирадиган қўчқорларга айланди. Бозорга солдим. Қўлимга бир дунё пул тушди. Ярмига тўрт хонали уйга етадиган қурилиш жиҳозлари сотиб олдим, қолганига эса яна йигирма бош қўзи олиб келдим. Ўзим, ўғилларим, келинларим, аёлим тиним билмадик. Фойдадан келинларимга тикув машинаси, ортганига эса шу уловни олдим. Бугун яна ўттиз бош қўзини ўғилларим олиб кетишди. Икки йилда шунча даромадга эга бўлдим.



Гўри нурга тўлгур отам терак экмаганида, Турсун ота йўл-йўриқ кўрсатмаганда, нафақа пулини кутиб юрармидим. Уларнинг сўзига кириб кам бўлмадим, рўзғоримга хайр-барака келди.

...Бозордан қайтган Султонмурод тракторчининг боши қотди. Турмуш кечириш бобида ошнаси Халилдан анча орқада қолганини ич-ичидан ҳис этди. Кечқурун ўғиллари, келинларини маслаҳатга чақирди. Барча топганини ўртага қўйди. Эртасига рўмолга тугилган пулни белига боғлаган Султонмурод Райҳон чўпон билан қўй олгани бозорга жўнади.

**Ўролбой ҚОБИЛ**

## Мутахассис билан мулоқот

# Шифо топай десангиз...

**Газетамизнинг 2010 йил 23 сентябрдаги 117-сонида таҳририятда тиббиёт фанлари доктори, профессор Тоҳир Иброҳимовнинг муштарийлар билан саломатлик борасида телефон орқали бевосита мулоқоти ўтказилишини эълон қилган эдик. Ушбу мулоқот қизғин савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Кўплаб инсонларнинг соғломлик омиллари ҳақида кенг тушунчага эга бўлгани бизни хурсанд қилди. Нашримизнинг фаол муаллифи, тажрибали тиббиёт олимининг хасталиклардан халос бўлиш борасидаги қимматли маслаҳатлари барча учун фойдали эканлигини кўзда тутиб, уни имкон даражасида ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни жоиз топдик.**



**САВОЛ: Ўзбекистонда полиомиелит касаллигининг олдини олиш учун ялпи вакцинация қилинди. Бу касалликка қарши кураш ўтказишга нима сабаб бўлди?**

**Гуля БЕРДИМУРОДОВА, Қўнғирот тумани**

**ЖАВОБ:** Болалар полиомиелити юқумли касаллик бўлиб, уни юқтиришда вирус инфекцияси катта рол ўйнайди. Ўзбекистонда бу хасталик рўйхатга олинмаган.

Бу йил қўшни Тожикистонда ушбу касалликка чалиниш ҳолатлари кўп кузатилиб, юртимизга кириб келиш хавфи туғилди. Шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори билан полиомиелитга қарши оммавий вакцинациянинг 1-тури 17 - 23 май кунлари ўтказилиб, 5 ёшгача бўлган 2 млн. 877 минг нафар бола қамраб олинди. Шу билан бирга, четдан келган 29200 нафар ёш бола эмланди. Умумий иммунизация 6689 та эмлаш пунктида 7746 та эмлаш бригадаси ёрдамида амалга оширилди. Мазкур тадбирда 8 минг нафар шифокор ва 10 минг нафар эмлайдиган мутахассис, 520 та автотранспорт қатнашиб, болаларни эмлаш дастури 101 фоиз бажарилди.

Эмланган ёш болалар тиббий назоратда бўлиб, вакцинациядан сўнг оғир асоратлар кузатилмади.

Шуни айтиш лозимки, эмлаш жараёнини БЖССТ шифокорлари, кураторлари назорат қилиб турди. Улар деярли ҳамма вилоятда бўлиб, хонадонларга ҳам ташриф буюришди ва бу оммавий эмлаш юртимиз тиббиёт ходимлари томонидан юқори даражада уюштирилганлигини эътироф этишди. 2-тур эмлаш 7 - 12 июн кунлари ўтказилиб, дастурда рўйхатга олинган болалар тўла эмланди.

**САВОЛ: Қандли диабет касаллиги ҳақида маълумотга эгамиз. Яқинда қандсиз диабет ҳам борлигини эшитдим. Ён қўшнимизнинг боласи шу хасталикка дучор бўлган экан. Кунига бир челак муздек сув ичаркан. Ахир бу зарар эмасми? Ушбу касаллик тўғрисида маълумот берсангиз?**

**Мирзо ЭРОНОВ, Музработ тумани**

**ЖАВОБ:** Қандсиз диабет вазопрессин гормони ишлаб чиқарилишининг бузилиши билан боғлиқ хасталикдир. Кучли чанқаш, сувни тўхтовсиз ичиш ва шу билан бирга, кўп пешобга чиқиш касаллик белгиси ҳисобланади.

Беморда гипофиз ҳужайралари вазопрессин гормонини ишлаб чиқара олмайди. Шу билан бирга, 25-30 фоиз беморларнинг касалликка дучор бўлиши гипоталамус зонасида бирламчи ёки иккиламчи ўсма ривожланиши билан боғлиқ. Бу гипофиз ўсмаси ривожланиш билан бирга гипоталамусни сиқиб, унинг фаолиятига катта зарар келтиради. Бу эса қандсиз диабет пайдо бўлишига олиб келади. Айрим ҳолларда катта бош мия жароҳати хасталикка сабаб бўлади.

Касалликнинг асосий клиник белгилари кўп сув ичиш, оғиз қуриб қолиши, чанқоқ, умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, тез-тез пешобга чиқиш, меҳнат қобилиятининг бузилиши билан характерланади.

Хасталик 12-15 ёшли ўсмирларда кўп учрайди ва бошланиши ўткир ҳолда кечади.

Қандсиз диабетни асосий даволаш усулларидан бири — адиурекрин препаратини қабул қилиш. Ҳозирги кунда бу препаратнинг аналогидесмопрессин дориси 2 томчидан кунига 3 маҳал бурунга томизилади.

Агар қандсиз диабетнинг асосий сабаби миядаги ўсма бўлиб, унинг кескин катталашиши кузатилса, жарроҳлик усули билан олиб ташланади.

Бу касаллик умумий ҳолларда яхши кечади. Кўп сув истеъмол қилиш шу ҳолатни таъминлашга ёрдам беради.



**САВОЛ: Маҳалламиздаги бир ўспириннинг бўйи паст, юзи доим шишиб юради. Онасидан сўрасам, нуқул ухлар экан. Бунинг сабаби нима?**

**Бахтиёр УСМОНОВ, Сирдарё тумани**

**ЖАВОБ:** Буларнинг ҳаммаси йод етишмаслиги сабабли рўй беради. Чунки бу элемент бош мия ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Йод модда алмашинувининг гипотиреоз ҳолати худди шу клиник белгиларга тўғри келади. Ёш болаларда, ўспирин йигит-қизларда учрайдиган гипотиреознинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи ҳоллари фарқланади.

Касалликнинг асосий белгилари терининг қуруқшаши, хотиранинг сусайиши, ҳолсизлик, қувват йўқлиги, уйқучанлик, мудраш, тана вазнининг ортиши, юз ва кўз, қовоқларнинг шишиши, тилнинг катталашиши, нутқнинг ноаниқ ва паст бўлиши, ҳайзнинг бузилиши, қабзият, мактаб дарсларини яхши ўзлаштира олмаслик, дангасалик ва бошқа кўринишлардан иборат.

Улар яққол кўзга ташланганда лаборатория текширувлари ўтказилиб, ташхис қўйилади. Лекин кўп ҳолларда касаллик аломатлари яхши ривожланмаган ҳолда учрайди. Шу сабабли, бемор педиатр, невропатолог, дерматолог, руҳшуносга кўп ойлар даволаниш учун қатнайди. Кўпинча гипотиреоз касаллигининг ташхиси анча кеч қўйилишига ҳам сабаб шу.

Гипотиреознинг клиник симптомлари кўп ҳолларда секин-аста ривожланади. Энг ёмони, бу ёш беморнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши, мия қобилиятининг сусайишига олиб келади. Бундан ташқари, соч тўкилиши, қон босимининг пасайиши, брадкардия, болаларда ўсишдан орқада қолиши, олигофрения пайдо бўлиши кузатилади.

Касалликни даволашда қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- ҳар куни шифокор эндокринолог тавсия берган дорини қабул қилиш;
- ҳар куни бадантарбия билан 2 соат шуғулланиш;
- вақтида ухлаш, ишлаш, дам олиш ва овқатланиш.

**САВОЛ: Кўп йилдан бери простатит касаллиги бўйича даволаниб келмоқдаман. Лекин ҳар бир шифокор ўзи билган усулда даволайди. Бир уролог тавсия этган дорини иккинчиси ёмонлайди. Бошим қотди, қай бирига ишониш керак?**

**Эргаш И., Қоракўл тумани**



**ЖАВОБ:** Ҳозирги кунда простатит билан хасталанган эркаклар сони ортиб бормоқда. Простатит пайдо бўлишининг сабаби кўп. Шу билан бирга, хламидия, уреаплазма унинг оғир кечишига олиб келади. Олди олинмаса, простатит сурункали тус олиши, жинсий заифлик, бепуштлик каби оғир асоратларни юзага келтириши мумкин.

Простата бези уруғ ҳужайраларининг ҳосил бўлишига туртки бериб, мояк фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Мояк гормонлари, (тестостерон) ўз навбатида, простатанинг безсимон ҳужайралари ривожланишига ёрдам беради ва унинг секрет ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиради.

Баъзи ҳолларда простатит касаллигини даволашда антибиотиклар ишлатилади. Чунки унинг пайдо бўлишига бактериялар сабаб бўлади.

Простата безининг яллиғланиши ўткир шамоллаш белгилари билан кечади. Бунда беморнинг тана ҳарорати 38-39 даражагача кўтарилади. Лекин тез-тез шамоллаш натижасида хасталик сезилмасдан ўтиб кетиши мумкин. Тез-тез ҳожатга бориш, томчилаб сийдик келиши касаллик белгиси ҳисобланади.

Шу билан бирга, қовуқ бўшлиғи оралиғида оғриқлар пайдо бўлади. Простата бези ишлаб чиқарган суюқлик қонга сўрилмагани учун ушбу хасталик билан оғриган эркакларда эрекциянинг бузилиши, жинсий ҳаётнинг суст кечиши кузатилади.

Кўп эркаклар даволаниш тез натижа беришини истайди. Бесабрлик туфайли гоҳ у, гоҳ бу шифокор ҳузурига чопиб, муолажани охиригача етказмайди. Бемор касаллик туфайли тажанг ва асабий бўлиб қолади. Шунинг учун бундай беморларни даволовчи шифокор нафақат тажрибали уролог, балки яхши руҳшунос ҳам бўлиши керак.

Бемор вақтида тажрибали шифокорга мурожаат қилмаса, касаллик сурункали шаклга ўтиб кетади. Кўп ҳолларда эркаклар даволаниб кетдим деган хаёлда ўзларида сурункали простатит борлигини билмай юрадилар. Бу эса оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Кўпчилик простатит иммун системанинг камайиши туфайли бўлади, деган мулоҳазада юради. Тўғри, бу простатитнинг эркак организмида ривожланишига туртки берадиган асосий омиллардан бири. Аммо иммунитети кучли эркакнинг ҳам простатит билан касалланиши бор гап. Фақат унда касаллик енгил кечади. Шунингдек, простатит билан кекса одамлар касалланади, деган нотўғри фикр ҳам мавжуд. Унга ҳар қандай ёшдаги эркак йўлиқиши мумкин. Ҳозир бу касаллик 30-40 ёшдаги эркакларда кўп учрамоқда.



**Қадим замонлардаёқ ароққа «идрок ўғриси» дея ном беришган. Манбаларда спиртли ичимликларнинг маст қилувчи хусусияти эрамиздан 8000 йил олдин аниқлангани айтилади. Аждодларимиз кулолчилик буюмларида асал, мева шарбати ва ёввойи узумни маълум муддат сақлаб, маст қилувчи ичимлик олишни ўрганиб олишган экан. Хуллас, ўткир спиртли ичимлик ишлаб чиқаришни ўзлаштирган инсоният эндиликда бу офатдан қутулиш йўлини изламоқда. Афсуски, даврлар ўтиши билан «кайфи ширин заҳар»нинг хилма-хил турлари яратилди. Уларнинг таркибида этил спирти бўлганлиги сабабли кишини маълум муддатга сархуш қилади. Бу одатнинг тез-тез такрорланиши эса кишининг алкогол домига тушиб қолишига сабаб бўлади.**

# Идрок ўғриси

Ичиш учун сабаблар етарлича топилади. Кўз тегмасин, орзу-ҳавасли халқмиз. Тоғалар жиянларининг тўйига новвос боқса, оталар суннат тўйига, ундан кейин никоҳ тўйигача ертўлага ўша зорманданинг узун-қисқасидан тера бошлайди. Бундан ташқари, йилда бир «туғилиш», гап-гаштак, бўлар-бўлмас сабабларга «ҳақ бериш», жуда бўлмаса, улфати чор бўлиб бирор кафенинг бурчагида қиттай-қиттай қилиш деганларидек...

Бирор кишининг «фалончининг тўйига келган ҳофизнинг мана бу сатрлар билан айтиладиган қўшиғи жуда маъноли экан, овозига ҳам гап йўқ» деганини эшитганмисиз? Аксинча, «Фалончибойнинг тўйида ичиб «ғишт» бўб қопмиз, ўзиям ароқни сувдек оқизди-да, отасига раҳмат» ёки «писмадончининг тўйида ароқ кам бўлди, маҳаллада керилиб юрарди, ўлар жойдамисан, мундоқ тайёргарлик қилиб қўйсанг бўлмайдими» деган ёзғиришлар тез-тез қулоққа чалинади.

Кейинги пайтда никоҳ тўйларини ҳашаматли тўйхоналарда ўтказиш урфга кириб қолди. Бир томондан яхши, пулини тўлайсану эл қатори хурсандчилик қилиб тарқаласан. Бироқ тўйхоналарда баданига ёпишгудек ялтур-юлтур либос кийиб олган, бунинг устига ёнидаги эркак билан баравар ичимлик тўла қадаҳни жаранглатаётган, сархуш бўлгач, ўзига ярашмаган бачкана қилиқлар билан қилпанглаб «рақс»га тушаётган аёлларни кўриб ақлингиз шошади. Шарқда ибо ва ҳаё маликаси саналган ўзбек аёли қачон бунчалик тубанлашди?

Урфга айланган битирув оқшомларига ҳам «шайтон суви» оралаётганидан хабаримиз бор, бироқ... Қаердан кириб келгани номаълум одат — қуёш чиқишини томоша қилишгача сархуш бўлиб олган йигит ва қиз ўртасида мудҳиш воқеа содир бўлмайди деб ким кафолат бера олади? Бу кимнингдир сўнгги марта шафаққа боқиши бўлишидан худо сақласин.

Тўй тантаналари, хурсандчилик маросимларида шодиёна «гуноҳкорлари» шаънига мақтовлар айтилиб, қадаҳ кўтарилади, ёшу қарига, аёлу эркакка шиша ичида «беозоргина» турган оғуни ичиш таклиф этилади. Бу ҳолатга тантанада иштирок этаётган болалар ҳам гувоҳ бўлишади. Катталарнинг бундай қилиқларидан сўнг болада татиб кўриш иштиёқи уйғонмасмикан?

Ёхуд «дўстлигимиз ҳурмати» дея тиқиштирилаётган қадаҳдаги «шайтон суви» ҳақиқатдан ҳам инсоний муносабатлар ўлчови, эркакликнинг исботимикан?

* * *

Азал донишларидан тортиб, бугунги кун зиёлиларигача ичкиликнинг зарари ҳақида кўпдан-кўп ибратомуз сўзлар айтишган.

Жумладан, Алишер Навоийнинг бир қатор асарларида майхўрлик ва унинг салбий оқибатлари билан боғлиқ лавҳаларни учратганимиз каби, буюк мутафаккирнинг ана шу иллат соғлом ҳаёт учун қанчалик зарар эканлиги ҳақида битган пурмаъно сўзларини ҳам ўқиймиз. Шоир наздида майхўрлик инсон учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи офатдир. Шу сабабли у шоҳ (Султон Ҳусайн Бойқаро) ва шаҳзодалар (унинг ўғиллари)ни имкон қадар «уммул ҳабоис», яъни ёмонликларнинг онаси деб аталмиш майни («бода», «шароб», «чоғир») истеъмол қилишдан ўзларини тийишга чақиради.

Хусусан, шаҳзода Бадиуззамонга ёзган бир мактубини «Май меҳўру ҳушёр мемош» — «Май ичгину ҳушёр бўл» дея тугалласа, бошқа бир мактубида «чоғирни «уммул ҳабоис» дебдурлар. Жамъи ёмонлиқ андин мутаваллид бўлур (туғилур). Ва илтимос улким, агар муяссар бўлур — куллий (буткул) ва агар муяссар бўлмаса, улча мақдурдур (имкон қадар) бу ишда кўшиш қилғайсиз (ҳаракат қилғайсиз)» дея маслаҳат беради.

Олим, фозил Ризоуддин ибн Фахруддин айтади:

«Одам боласи ақлли, ғайратли бўлиб дунёга келади, лекин унинг ақлини, ғайрат ва ижтиҳодини ичкилик битиради. Дунёда ҳар нарсани аксинча кўрсатиб турувчи нарса ичимликдир. Бир кишига ичкилик қадаҳини берувчи одам у бечоранинг виждонини ва бир оиланинг умидини ўлдириб, энг буюк жиноят қилган бўлади».

Машҳур психиатр ва жамоат арбоби, ичкиликбозликка қарши курашчи, академик Владимир Михайлович Бехтеров (1857–1927) мастликнинг руҳий сабабларини қуйидагича тасвирлаган эди: «...ичкиликбозлик азалий офатдир, у турмушимизда чуқур илдиз отди ва бутун бошли ёввойи ичкиликбозлик удумлари тизимини яратди. Бу удумлар барча бўлар-бўлмас вазиятларда ичиш ва вино билан сийлашни талаб қилади».

Алкогол истеъмол қилиш кислород ёки овқат каби кундалик эҳтиёжларга кирмайди ва худди шу сабабга кўра, у қувват бериш хусусиятига ҳам эга эмас. Инсоннинг бошқа бир қатор шундай «эҳтиёж»лари (масалан, чекиш) сингари бу эҳтиёжнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб шуки, биринчидан, жамият бу маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Иккинчидан, унинг истеъмол қилиниши билан боғлиқ турли удум, шакл, одат ва мулоҳазаларни «яратади». Албатта, бундай одат ва кўникмаларни ҳаммага бирдай хос, деб бўлмайди.

Спиртли ичимликларнинг аёлларга таъсири ҳақида ҳам алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Ахир, инсон зотини давом эттирувчилар сифатида, келажак авлоднинг соғломлиги бевосита уларга боғлиқ. Боланинг, ўсмирнинг айни пайтдаги саломатлиги маълум даражада келажакда етук инсоннинг имкониятларини белгилайди.

Алкогол аёл соғлиғига акс таъсир этиш баробарида, унинг жинсий аъзолари фаолиятини ҳам бузади. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: Таниқли рус тадқиқотчиси С.З.Пашенков 5 йил давомида 3300 нафар сурункали ичкиликбозлик хасталигидан даволанаётган аёлни кузатган. Уларнинг 85,3 фоизи турли сурункали хасталиклар билан оғриган, шунингдек, уларнинг 40,6 фоизи жинсий аъзолар соҳаси касалликларидан азоб чеккан. Умуман, бундай аёлларда турли гинекологик хасталиклар ичмайдиганларга нисбатан 2,5 марта кўп учрайди. Алкогол маҳсулотларини истеъмол қилиш аёл организмини заифлаштириб, унинг асаб ва эндокрин тизимларини ишдан чиқаради ва охир-оқибат, бепуштликка олиб келади.

* * *

**«БИР ҚИЗИШИБ ОЛАЙЛИК»** деган гапларни кўп эшитган бўлсангиз керак. Ҳақиқатан ҳам спирт танани иситиш хусусиятига эга. Кўпчиликда спирт нафақат шамоллаш, балки ошқозон-ичак тизими касалликлари, ошқозон яраси (язва) каби бир қатор бошқа хасталикларни ҳам даволаш хусусиятига эга, деган тушунча юради. Шифокорлар эса, аксинча, ошқозон яраси билан оғриган беморларга спиртли ичимлик истеъмол қилиш мутлақо мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Аслида ҳам шундаймикин? Юқоридагилардан қайси бири ҳақиқат? Ахир, оз миқдордаги алкогол ҳақиқатдан иштаҳани очади-ку?

Бунинг устига, алкоголни организмга тез қувват берувчи юқори калорияли маҳсулот деб ҳам ҳисоблашади. Ҳақиқатан, пиво ҳамда узумдан олинган винолар таркибида бир қатор витамин ва хушбўй моддалар бор. Тиббиётда эса спиртнинг бактерияларни йўқотувчи хусусияти сабаб дезинфекция ишларида (масалан, укол қилишдан олдин), дори тайёрлашда фойдаланилади. Аммо касалликларни тўғридан-тўғри даволашда эмас.

Шундай қилиб, спиртли ичимликни кайфиятни кўтариш, танани иситиш, касалдан халос бўлиш, иштаҳа очиш ҳамда қувват берувчи маҳсулот бўлгани учун истеъмол қилишади. Ҳақиқатдан шундаймикин?

Шифокорлар алкогол ҳақида шундай хулосага келишган: «... инсон танасида алкоголнинг емирувчи таъсиридан зарарланмайдиган бирорта ҳам аъзо йўқ; алкогол оддий, хавфсиз ва ишончли даволаш воситасида эришиб бўлмайдиган бирорта ҳам алоҳида даволовчи хусусиятга эга эмас; алкогол маълум муддат даволаш воситаси сифатида тавсия этиладиган ёки қўлланиладиган бирорта ҳам хасталик мавжуд эмас».

Демак, алкоголнинг фойдали эканлиги бутунлай нотўғри тушунча. Масалан, бир қадаҳ ароқ ёки винодан кейин иштаҳанинг очилиш ҳолатини олайлик. Бу вақтинчалик, спирт оғиз бўшлиғи ва ҳазм қилиш аъзоларида сўлакни кўпайтирадиган бошланғич ҳолатдир. Ундан кейинги қабул қилинган спиртли ичимлик, шунингдек пиво ҳам фақатгина овқат ҳазм қилинишига халақит беради холос. Чунки алкогол жигар ва ошқозон аъзолари ҳаракатини секинлаштириб, маълум муддатга фалажлантиради.

* * *

Кейинги пайтда қўлбола ароқ ва бошқа спиртли ичимликлар ҳаддан ташқари кўпайди. Истеъмолга мутлақо яроқсиз бундай маҳсулотлар мамлакатимизга турли ноқонуний йўллар билан кириб келаётир ёхуд ўзимизда устаси фаранглар томонидан яширин цехларда тайёрланиб бозорни тўлдираяпти. Мўмай даромад орттириш касалига дучор бўлган ароқфурушларни ўзгаларнинг саломатлиги мутлақо қизиқтирмайди. Тўй тараддудида бўлган ёки ичкиликка муккасидан кетган «пиёниста»лар «ҳарна арзон» дея уларнинг тегирмонига сув қуймоқда.

*— Бошқарма ходимлари томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида мамлакатимизга айланма йўллар орқали ноқонуний равишда спирт ва тамаки маҳсулотларини олиб кириш, уларни муомалага киритиш, яширин цехларда сифат сертификатларисиз қўлбола спиртли ичимликлар ишлаб чиқарилиши ҳамда савдоси билан боғлиқ 23 та қонунбузарлик аниқланди,*— дейди Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ахборот гуруҳи раҳбари Гулчеҳра Раззоқова. *— Шундан 14 таси яширин цехлардир. Натижада ҳуқуқбузарлардан 38221,6 минг сўмдан зиёд маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди.*

Шу ўринда спиртли ичимликларни ноқонуний сотиш борасида қўлланиладиган чоралар тобора кучайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. ЖКнинг 186-1-моддасида *«Этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Шунингдек, ушбу ҳаракатлар жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»* дейилади.

2010 йилнинг 17 сентябридан бошлаб эса «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасига кўра, ҳар қандай қувватдаги алкоголли ичимликлар рекламаси тақиқланди.

Ҳар ким экканини ўради. Аммо бир ўй бизни ташвишга солади. Ана шу ҳуқуқбузарлар маҳаллада, қишлоқларда — ўзимизнинг орамизда яшашади. Ўша ерда қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, оқсоқоллар, маҳалла посбонлари, солиқ инспекторлари, ноҳақликни сира ёқтирмайдиган юзлаб фидойи инсонлар бор. Ахир, яширин цехлар осмондан тушиб қолаётгани, ўз маҳсулотларини ярим тунда — ҳамма уйқудалигида савдога чиқараётгани йўқ-ку?! Энг ачинарлиси, улар таҳдид этаётган нарса — ҳеч қачон тиклаб бўлмайдиган, Яратганнинг тенгсиз инояти бўлмиш инсон саломатлиги-ку!

* * *

«Қисаси Рабғузий»да келтирилишича, узумни суғоришга муваффақ бўлган Шайтон учта ҳайвоннинг қонидан фойдаланади. Дастлаб тулкининг қони ток тагига тўкилади, шунинг учун узумнинг сувидан бироз тотинган киши тулкидек айёр, хушчақчақ бўлиб қолади.

Иккинчи кун шернинг қони билан суғорилган узум меваларидан тайёрланган шаробдан сархуш киши ўзини шердек бақувват, ҳар нарсага қодир ҳисоблайди.

Сўнгги марта тўнғиз қонига қонган узумнинг майидан маст бўлган инсон шу ҳайвон каби тубанлашиб, ўзини идора этолмай жирканч қиёфа касб этаркан. Инсон онгини забт этиш ва уни исталган кўйга солиш учун бундан осонроқ йўл йўқлигини Нуҳ замонидаёқ англаган шайтон ҳануз ўз ниятига етмоқда. Одамлар эса...

Яхшиси, хулосани ўзингизга қолдирамиз.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Айиқ билан беллашган полвон

Қундуз тоғани саксон билан тўқсон орасида десангиз, ҳеч ким ишонмайди. Жуда дароз эканлигига қарамай суяги енгил бу одам бир жойда ўтиролмайди, сою қирлар, ҳатто тоғу тошларгаям чиқиб тушаверади. Чилланинг айни жазирама палласида тупроқли кўчаларни попиллатиб ялангоёқ кезгани кезган. «Азиз жонни намунча қийнайсиз? Ётмайсизми, невара-авараларнинг тилагини тилаб?!» — деганларга жавоби битта: «Аяган кўзга чўп тушади. Юрмасанг, бу оёқ деганлари дангасалашиб боровуради. Охир-оқибат юрмай қўяди. Ана иннайкейин, бошқалар тугул бола-чақанггаям ёқмай қоласан». Оёқ жонивор ҳам бор-да, Тоғада: тупроққа тушадиган излар энг улкан айиқ полвонникидан бир ярим, икки баробар катта. Шундан хулоса чиқариб, бў-ю бастини тасаввур қилаверинг...

Қишлоғимизда клуб қурилиши бошланганда ўнинчи пахсасига Тоғанинг бир ўзи лой отиб берган экан! Тумонат одам, аммо ҳеч кимнинг қулочи етмаган-да ўнинчи пахсага! Дароз бу одамнинг феъл-атвори ажойиб: қувноқ, беғубор, содда ва самимий. Қишлоғимизнинг энг юқорисидан ҳам олисроқдаги сой бўйида бостирма уй бор. Қундуз тоға бу кулбада ўзига деярли тенгқур кампири билан умргузаронлик қиларди. Норимжон оча чоли сингари серғайрат, ишлаб чарчамайдиган, истараси иссиқ кампирлар хилидан. Каттакон ҳовлидаги юмушларни бир ўзи саранжомлаб, ҳаммаёқни ёғ тушса ялагудай қилиб, чолини жимгина кутиб ўтираверади. Қундуз Тоға эса кўчадан бери келай демайди, санғиганисанғиган. Қишлоқнинг тўрт тарафига тарқалиб кетган бола-чақалари, невара-чеваралариникига ҳар куни бир-бир кириб ўтмаса, кўнгли жойига тушмайди. Биров ҳашарга чақирса, саҳар-мардондан борволади. Ғоят саховатли, олижаноб бўлгани учунми, ҳамма ўзига яқин олиб Тоға деб чақиради. Бу одам юртнинг тоғаси, деб мақтаб ҳам қўйишади. Кечқурунлари уйига қайтаётиб, маҳалламиз гузарида баъзан биз билан ярим тунгача ҳангомалашади. «Очамизнинг ёлғиз ўзлари қолиб чўчимайдиларми», десак, «Бувиларинг чумчуқни кўзидан урадиган мерганку, чироқайларим!» — деб қўяди гумбурлаган овоз билан жилмайиб.

Бобога ҳаммамиз ҳавас билан қараймиз, гапга соламиз, ҳатто баъзан ҳазиллашиб ҳам қўямиз. Жуда кеч қолиб олдимиздан тўхтамай ўтаверса, баравар салом беришни бошлаймиз: «Ассалому алайкум, Қундуз тоға!» Дарҳол жавоб қайтади: «Ва алайкум ассалом, чирақайларим!» Жаннати бу инсон кўздан кўринмай кетиб, то тоғдаги уйига етгунча биз жўр бўлиб, салом берaверамиз-да, жавоб кутамиз. Қулоқларимизга элас-элас товуш келади: «Ва алайкум ассалом, чирақайларим!...»

Қундуз тоғанинг йигитлик чоғлари айиқлар билан «беллашиб» ўтган дейишади. Бобомиз биз билан мулоқот пайтларида кўпроқ болаларни гапиртириб, мароқ билан тинглайди, баъзи ўринларда астойдил ва беғубор ҳо-ҳолаб, ўтиришимизни безайди. «Энди навбат сизга-да, Тоғажон!» — уни гапга соламиз бизлар ҳам қўярдақўймай.


Воқеий ҳикоя

— Айиқ болаларини қандай қилиб қутқарган эдингиз?

— Оббо, чирақайларим-эй, буни кимдан эшитгансизлар?

— Энди, чала эшитганмиз-да, сиз тўлиқ қилиб айтиб беринг, илтимос! — қисташни қўймаймиз.

— Куз кирган, айни пишиқчилик пайтлари эди, — ҳикоясини бошлайди бобо.— Олис арчазорлар орасидаги қари арча кавагида ўзимгагина маълум асалари уяси бўларди. Ҳар йили чиқиб, ортиб қоладиган бир-икки челак асални олиб қайтгувчи эдим. Шунисиям борки, баҳор яқинлашганда яна бир хабар олардим. Агар овқати камайган бўлса, ариларни озиқлантириб қўярдим. Ахир, улар бир мартамас, ҳар йили керак-да, чирақайларим, тўғрими?

Биздан тасдиқ жавобини олгач, давом этарди тоғамиз:

— Бир гал арчазорга яқинлашганимда, ари ини томондан «тақ-тақ» этган овоз эшитила бошлади. «Оббо, кимдир асал олиш илинжида арчани кесяпти, чоғи», дея одимимни тезлаштирдим. Яқин бориб қарасам, мендан яхшигина тарсаки еган катта она айиқ ари ини бор айришох устига ўтирволиб, қўлида тош, кучи борича арчани уряпти. Мақсади — айришохни икки бўлиб юбориб асални олиш! Ҳов, бадбахт, болаларинг қани?! — бақирдим овозим борича. Айиқ мени кўрди-ю, таниди. Чунки ўринсиз қилмиши учун тарсаки еган эди-да! Хуллас, тошни ташлаб, тура қочди. У икки боласи билан қишдан чиқиб, уларни эргаштириб юрганини кўргандим. «Болаларини ҳалитдан ажратибди-ёв, бу нодон?» Борсам, айиқлар бола ажратадиган зов остида икки миттивой ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтиришибди. Одам боласи йиғисининг ўзгинаси. Мишиқ-тупуклари оқиб кетган, мушти билан артиб-артиб қўйишади. Дам олволгач, яна тепага тирмашишади, думалаб-думалаб зов тагига тушишади-да, яна ўтириб йиғини бошлашади. Бола ажратишда айиқлар одати шунақа: қалтис бир тепаликни танлаб, ўзлари чиқиб кетади, болалари зовда қолаверади. Обдан қийналиб чиқволгач, болалар мустақил яшаб кетадилар. Бу айиқ болалари ҳали жуда кичик, тепага чиқолмай, очдан ўлиб қолишлари мумкин эди. Бориб, иккаласини тутдим-да, тепага навбатма-навбат чиқариб юбордим. Қарасам, онаси тоғ устидан мўралаб турибди. Унга мушт ўқталиб дағдаға қилиб қўйдим. Эртасига атайлаб арчазорга чиқиб, уларни кузатдим. Иккала боласини эргаштириб юрганини кўргач, кўнглим таскин топиб, асалари билан машғул бўлдим...

—Ўша айиқнинг қулоқчаккасига тарсаки туширишингиз сабаби нимада эди?

— Бир кун хўжалик аричилари шикоят қилиб қолишди: баҳайбат бир айиқ кечаси келаркан-да, ари уясини синдириб, асалини еб кетаркан. Улар: «Айиққа шикаст етказмасдан ёрдам кўрсатсангиз», — дейишди. Ойдин кеча эди, қалинроқ кийиниб, ари уялари ёнида қурилган чайлада пойлаб ўтирдим. Бир маҳал, кўзим уйқуга кетган экан, қандайдир шарпадан уйғониб кетдим. Секин эшикни очиб қарасам, каттакон айиқ инқиллаб-синқиллаб ари уясини кўтариб, зовга олиб кетяпти. У яшикни тепадан пастга отиб пачақлар экан-да, асалини еб кетаркан. Мен очган эшик овозидан айиқ сергакланиб, яшик орқасига ўтиб яширинган бўлди. Илдам эмаклаб бордим-да, даст ўрнимдан турдим. Худди шу аснода айиқ ҳам ўрнидан кўтарилган экан. Иккимиз сутдек ойдинда юзма-юз туриб қолибмиз. У менга зарба бериш учун ҳаракат бошлаши ҳамон қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юбордим. Айиқ юзтубан кетиб, тўрт оёғи осмонда бўлди. Дарҳол ўрнидан турган эди, бор овозимни қўйиб:

— Йўқо-ол, маймоқ! Нақ терингни шилволаман! — деб ҳайқирдим. Тоғлар гумбурлаб кетди. У пайтларда айни кучга тўлган чоғларим эди-да, чирақайларим. Ўғри айиқ ўмбалоқ оша-оша қочиб боришини кўриб, ўзимни тутолмайман, ҳоҳолагандан ҳоҳолайман!.. Шу-шу у асалари уяларига яқин йўламайдиган бўлди.

— Энди, айиқ билан кураш тушганингизниям айтақолинг, бувожон! — яна гапга тутдик бобомизни.

— Майли-ю, бу сўнггиси. Норимжон бувиларинг ухламай кутиб ўтиргандир, — яна ҳикоясини давом эттирди Қундуз Тоға. - Қишлоғимизга бир кун айиқ ўйнатиб юрганлар келибди. Ўринловчи эшикни очиб: «Сизни Ҳулкар ота сўраяпти, айиқ билан кураш тушар экансиз!» — дейди. Ҳулкар деганлари қишлоқ оқсоқоли. Мен билан қадрдон, унинг гапини икки қилиб бўлмайди. «Оббо, шуниси етмай турувди!». Борсам, қишлоқнинг ёшу кексалари гузарга йиғилган, ўртада каттакон эркак айиқ ҳунар кўрсатяпти. Қани хамир қоринг, деса, икки қўллаб ерни савалайди, лой пишитинг, деса, типпатик туриб икки қўлини орқага олганча салмоқлана-салмоқлана лой пишитади...

— Ана, полвонимиз!— Оқсоқол айиқ ўйнатувчига мени кўрсатди. Айиқ ўйнатувчи оқсоқолга шартини айтди: «Полвонингиз агар айиқни йиқса, манови радиони олади. Кучи етмай қолса, ҳаммадан бир сўмдан йиғиб беради.»

— Ҳулкар оқсоқол менга қараб, нима қиламиз, деган маънода имлади.

Қарасам, айиқнинг жуссаси икки юз килодан зиёд.

— Айтиб қўяй, — қўшимча қилди айиқ эгаси. — Бу депараларда ҳозиргача маймоғимизни ҳеч ким йиқолган эмас!...

Юрагимда хавотирлик ҳисси уйғонди: Бу айиқ тушмагур курашнинг обдан ҳадисини олган кўринади, йиқилиб шарманда бўлсам-а! Кейин қишлокда қандоқ бош кўтариб юраман!». Шу пайт сизлар сингари чирақайларим қийқириғи оламни тутди: «Тоғажон, бўш келманг, кураш тушаверинг, мана, биз бормиз!..» Айиқ полвон билан қандоқ беллашиб кетганимни ўзим сезмай қолибман. Бир чирпиниб кўтаролмадим. Қарасам, айиқ белимдан маҳкам тутиб, кўтариб отишга чоғланяпти. Сал сусташсам, иш пачава. Бутун кучимни билагимга йиғдим-да, «Ё, пийрим!» деб ҳайқирганча айиқни даст кўтариб ёнбошга урдим! Оламни қийқириқ босиб кетди. Ғазабланган айиқ ўрнидан тура келиб, менга човут соляпти. Йиқилиб ўрганмаган экан-да! Шунда айиқнинг қулоқ-чаккасига биринчи марта тарсаки тортиб, ағдариб ташлагандим!...

— Мукофотни олганмисиз? — чувиллашдик баримиз баравarига.

— У пайтларда электр яқинда келган, радио деганлари жуда антиқа нарса эди. Идорангизда эшитиб ўтирасиз, деб қадрдоним Ҳулкар оқсоқолга совға қилганман...

Қишлоғимиз тоғаси билан бу сўнгги суҳбат эканини қайдан билибмиз. Эртасига азонда шум хабар тарқалди: «Қундуз тоға кечаси туманда адашиб зовга тушиб кетибди, эртага пешинга қадар чиқарилади!..». Ҳаммамиз дафн маросимида ҳасса ушлаб қатнашиб, қишлоғимиз Тоғаси учун куюниб-куюниб йиғлаганмиз. Мана, шунгаям олтмиш йилдан зиёд вақт ўтиб кетибди. Ҳануз юрт Тоғасини алоҳида эъзоз билан ёдга оламиз...

Дарвоқе, Норимжон оча тақдири нима бўлди, дерсиз? Бола-чақалари шунчалик қийин-қистовга олсалар-да, чолига садоқати туфайли, кампир бостирма томдан кўчмади. Умрининг охиригача Тоға ўтган кулбада ҳаёт кечирди. Тўғри, набира-эваралари навбатма-навбат ёнларида бўлдилар, иссиқ-совуғидан хабар олиб турдилар. Юздан ошиб оламдан ўтган очани бутун қишлоқ аҳли иззат-икром билан юрт тоғаси ёнига дафн қилдилар.

**Асад АСИЛ**



## Дароз хонимлар

Бўйи икки метрдан узун бўлган қизлар содда, ишонувчан, камтар бўлиши билан бирга, кечиримлидирлар. Ғирромликни билмаганлари учун уларни «чув» тушириб кетиш осон. Алданганда ҳам унча эътибор беришмайди. Аксинча, унга панд берганларни кечириб, келгусида бундай воқеа бўлмаслиги учун замин ҳозирлашади.

Жуда кўнгилчанлиги боис севгида ҳам алданиб қолишлари мумкин. Аммо турмушга чиққач, садоқатли ва меҳнаткаш жуфтга айланадилар.

Венгрия ва Бразилияда дароз қизларни гўзаллик маъбудаси сифатида ардоқлашади. Уларнинг бeғаразлиги ва оққўнгиллигини нилуфар гулига қиёслашади. Улар ўрта бўйли эркаклар билан бахтли ҳаёт кечиради. Чунки бўйдор қизларнинг чеҳраси очиқ, руҳияти соғлом бўлади. Оиласига вафодор, меҳрибон она бўлган бўйдор хонимлар рўзғорда тежамкорликни билмаганлари туфайли кўп панд ейишади.

## Довюрак хонимлар

Бўйи 170-180 см.гача бўлган қизлар адолатпарвар, довюрак, гўзал ва омадли бўлишади. Улар мақсад сари интилувчан бўлиб, ҳусн-латофатда барчани лол қолдиришади, қандай кийим кийса ҳам ярашади. Муаммоларни дангал ва ақл билан ҳал этишади. Аёллик бурчини аъло даражада бажариб, эрининг эътиборини қозонади. Миср, Рим каби қудратли давлатларни бўйчан аёллар адолат ва тадбиркорлик билан бошқарган.

Дунёга машҳур Маргарет Тетчер ҳам шундай аёллардан саналган. Мутахассис олимларнинг эътироф этишича, унинг бўйи бир гугурт қутисича паст бўлганда ҳам бунчалик шуҳрат топа олмасди.

Бўйдор, қизлар вафодор бўлиши билан бирга, вафодорларни жуда қадрлашади. Хиёнатни кечирмайди. Уларга озгина имкон беришса, эрини бойбадавлат қилади. Раҳм-шафқатли бўлиб, муҳтожлардан ҳеч нарсани аямайди. Иш юритиш услуби эркакча бўлгани билан аёллик шаънини жуда қадрлашади.

## Фариштали хонимлар

Бўйи 160-170 см.гача бўлган қизлар жуда меҳнаткаш, меҳр-мурувватли, келин бўлиб борган хонадонни файзга тўлдиришади. Шу боис уларни сариштали-фариштали келин дейишади. Аммо бироз инжиқ, бойликка ружу қўйишган. Кўнгли нозик, муҳаббатда жуда эҳтиёткор. Оилада соғлом муҳитни ярата олишади. Аммо бундай қизларни келин қилаётганда бармоқларига эътибор беринг. Бармоғи узун ва бироз юқорига қайрилиб турган бўлса, у меҳнаткаш, чевар ва пазанда, тежамкордир. Бундай аёл билан эркак бир умр бахтли яшайди.

## Меҳнаткаш хонимлар

Ўртабўй қизлар ҳам алоҳида фазилатлари билан жозибали ва хушрўй ҳисобланишади. Аммо бундай қизлар ҳаётда кўп қийинчиликни бошидан ўтказади. Шу боис улар жуда иродали ва олдига аниқ мақсад қўя олишади. Ҳаётда уларнинг боши меҳнатдан чиқмайди. Фарзандларини ҳам меҳнаткаш, одобли қилиб тарбиялайдилар. Улар учун энг муҳими, оила тинчлиги ва соғлом турмуш тарзи.

## Пазанда маслаҳати



## Эпли хотин — сепли хотин

***Сабзавотларни узоқ вақт сувга солиб қўйманг. Акс ҳолда, дармондори ва минерал тузларининг бир қисми сувда парчаланиб кетади.***

* * *

*Сабзавотларни узоқ қайнатса, мазаси ўзгаради, яхшиси уларни қайнатганда идишнинг қопқоғини ёпиб қўйинг. Шунда дармондорилар яхшироқ сақланади.*

*Ловияни эса идишнинг қопқоғини очиб пиширинг, шунда қорайиб кетмайди.*

* * *

***Салатларда каротин моддаси сақланиши учун сметана ва майонезни фақат дастурхонга тортиш олдидан қўйиш керак. 2-3 соат туриб қолса, салат деярли қувватини йўқотади.***

* * *

*Сабзавот тузли сувда пишса, таркибидаги дармондориларнинг 70 фоизини йўқотади. Шунинг учун пишиш олдидан туз солиш керак.*

* * *

***Гулкарамни пишириш олдидан бир оз лимон кислотаси ёки сирка қўшилган совуқ сувга солиб, сўнг оловни баландлатиб, қопқоғи очиқ идишда пиширилса, рангини ўзгартирмайди.***

* * *

*Иссиқ чойда асал куяди, яхшиси асални илиқ чойга аралаштириб ичинг.*

* * *

***Бурундан қон келишининг давоси жуда осон.***

***Ҳар куни 2 пиёла олма шарбати ичинг. Қуёшда корайинг. Қатиқ зардобидан ичинг. Вақтинча. иссиқлик овқат еманг.***

* * *

Овқат қайнаётган қозонга сув қўшманг. Чунки совуқ сувдаги кислород овқатдаги дармондориларни парчалаб ташлайди.

## Қора сочим — сунбул сочим



*Уй шароитида соч бўялганда шошма-шошарликка йўл қўйманг. Бунинг учун қўлга кийиладиган резина қўлқоп, катта тишли тароқ, турмаклагич керак.*

*Сочни ювгандан бир кун кейин бўяш мақсадга мувофиқ. Соч бўёғини ишлатишдан аввал ёрлиғига ёзилган қоидаларни ўқиб, унга тўлиқ амал қилинг. Бўёқни тайёрлаб, иккита идишга бўлиб олинг. Биттасини қулоқнинг ён томонидан тепага қаратиб бўяш керак. Иккинчи идишдагиси билан пешонадан орқа томонга қаратиб бўялади. Шунда сочнинг ҳамма жойи бир хил ранг олади. Чаяётган сувга озгина лимон кислотаси қўшиб юборинг.*

## Ярқираган кўзгу

*Кўзгунинг хиралашуви ва доғли айлана ҳосил бўлишига қуёш нури ва намлик сабаб бўлади. Шу боис кўзгуни қуёш тушмайдиган томонга жойлаштириш керак.*

*Одамнинг бўйи баробар кўзгуларнинг безак қисмини мебел учун мўлжалланган чўткада тозаланг. Кўзгуни юмшоқ, қуруқ латтада артинг. Ойига икки марта нам латта (латтани сиркали сувда намлаш керак) билан яхшилаб тозалаш керак. Орқа томонига зинҳор нам латта теккизманг. Чангини эҳтиётлик билан қуруқ латтада тозаланг. Ҳаммомдаги кўзгунинг орқа томони икки қайта лакланса, узоқ муддат янгидай туради, сифати ўзгармайди.*

**Саҳифани А.НАБИЕВА тайёрлади**

## Мурабболи рулет



5 дона тухум сариғига 5 ош қошиқ шакар қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнг унга тухум оқи, 5 ош қошиқ ун қўшилади.

Ёғ суртилган газ патнисига пергамент қоғоз ёйиб, яхши қиздирилган газ духовкасида 25 дақиқа пиширилади. Пишириқ тайёр бўлгач, қоғоз секин олиниб, рулет шаклида буклаб қўйилади. Совигач, қайта очиб бирор хил мураббо суртилади яна рулет шаклида баукланади. Рулет устига қанд упаси сепиб, дастурхонга тортилади.

## Нон қовурма

1 дона пиёз, 30 гр. ўсимлик ёғи, 2 дона помидор, 1 дона тухум, 2 дона саримсоқ пиёз, ярим ош қошиқ майдаланган ёнғоқ, таъбга кўра туз ва кўк пиёз керак бўлади. Тўрт бўлак нон товада икки томонини қизартириб қовуриб олинади. Тўғралган пиёзни ёғда яхшилаб қовуриб, қирғичдан чиққан помидор қўшилади. Унинг устига кўпиртирилган тухум, майдаланган саримсоқпиёз ва ёнғоқ, таъбга кўра туз қўшилади.

Тайёр бўлган аралашма нон бўлакларининг устига текис қўйиб, кўк пиёз сепилади. Сўнг товага қопқоғини ёпиб, 5 дақиқа димланади.

## Лимонли торт

**Керакли масаллиқлар:**

Хамир учун 1 дона тухум, озгина истеъмол содаси, 100 гр. ун.

Крем учун: 200 гр сариёғ, 250 гр. шакар, ярим ст. сут. 3 ош қошиқ ун, 1 та лимон шарбати ва пўстлоғи, 50 гр. асал.

**Тайёрлаш усули:**



Барча масаллиқлар аралаштирилиб, қўлга ёпишмайдиган юмшоқ хамир қорилади. Тайёр хамир тўртга бўлиниб, торт қолипда пишириб олинади.

Кремини тайёрлаш учун сариёғни қошиқ билан эзиб, алоҳида идишда сутни унга аралаштириб, газни пасайтириб, қуюлгунча қайнатамиз, оловдан олиб совутамиз, сўнгра эзилган сариёғни солиб аралаштирамиз. Лимон шарбати ва қирғичдан ўтказилган лимон пўстини қўшамиз.

Пишган хамир орасига крем суртиб, бир-бирига ёпиштирилади. Тортнинг усти парракланган лимон билан безатилиб, асал томизиб чиқилади.

## Курка гўштидан салат

**Керакли масаллиқлар:**

200 гр. қовурилган курка гўшти, 2 ош қошиқ лимон ёки олма шарбати, 2 дона олма, 2 дона тухум, 3 дона картошка, 1 ст. гуруч, 4-5 дона салат барги, 1 боғ селдерей, 3 дона помидор, 200 грамм майонез.



**Тайёрлаш усули:**

Қовурилган курка гўшти майда қилиб тўғралади, устидан лимон ёки олма шарбати қуйилади. Пишган тухум, гуруч, сабзавот ва мевалар йирикроқ қилиб тўғралади ва майонез аралаштирилади ҳамда салат барги билан безатилган ликопчага солинади.

## Гилам тозалашни биласизми?

Ювилган гиламни тескари томонидан ёйиб қуритинг.

* * *

Гиламнинг бирор жойи куйган ёки пати ситилган бўлса, рангига ўхшаш жунли ип билан тикинг. Шу рангдаги ипни тополмасангиз, гиламнинг четидан бир тола ипни суғуриб олиб фойдаланинг. Ип тортилган четини билдирмай йўрмалаб қўйинг.

* * *

Гиламга чангютгични қаттиқ босмасдан тозаланг.

* * *

Гиламни тозалаганда дастлаб тескариси, сўнг ўнгини қоқинг. Шунда чанг гиламга ёпишиб қолмайди.

* * *

Чой шамасини гилам устига сепиб, сўнг супурсангиз нам латта билан артгандай тоза бўлади.

* * *

Гиламда доғ бўлса, икки чой қошиқ спиртни бир литр сувга аралаштириб, яхшилаб артиб ташланг.

* * *

Қишда гиламни тозалаш учун қуруқ қордан фойдаланинг. Гиламни ёйиб, устига қор сепиб, сўнг уриб-уриб тозаланг.

* * *

Гилам ювганда, аввал кир жойларини нашатирли сувда (бир литр сувга 1 қошиқ нашатир спирти қўшилади) тозалаб олинг.

## Футбол



# Ёшларимиз чорак финалда

***Газетамизнинг олдинги сонида ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионатида дастлабки учрашувда Шимолий Корея вакилларидан 1:0 ҳисобида устун келгани ҳақида хабар бергандик. 5 октябр куни Марат Кабаев шогирдлари гуруҳдаги иккинчи рақиби Баҳрайн терма жамоаси билан куч синашди.***

Ўйин кутилганидек шиддатли тус олди. «В» гуруҳи пешқадамлари — Ўзбекистон ва Баҳрайн футболчилари бор кучларини ишга солдилар. Чунки ғолибда муддатидан олдин чорак финалга чиқиш имконияти мавжуд эди.

Биринчи бўлимнинг 18-дақиқасига келиб, ҳисоб очилди: истеъдодли ҳужумчимиз Павел Смоляченко чамаси йигирма беш — ўттиз метрлар масофадан кучли зарба йўллаб, дарвозани аниқ нишонга олди — 1:0.

Баҳснинг иккинчи бўлимида рақиблар ҳам ҳисобни тенглаштириш учун ҳужумга зўр беришди. Лекин Марат Кабаев шогирдлари дастлабки ўйинда бўлгани каби яхши ҳимояландилар. Учрашув қизғин кечган бўлса-да, ҳисоб ўзгармади.

Шундай қилиб, гуруҳда олти очко жамғарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, Корея Халқ Демократик Республикаси вакилларига ҳам омад кулиб боқди. Ироқлик футболчиларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳда иккинчи ўринни банд этишди.

Эслатиб ўтамиз, ҳамюртларимиз учинчи тур учрашувини Ироқ ёшлар терма жамоасига қарши ўтказади. Ўйин бугун Тошкент вақти билан 14:30 бошланади.

# Футбол клуби... тикувчилик цехи

***Ўтган йили Қаршида «Насаф» футбол клуби раҳбариятининг ташаббуси билан тикувчилик цехи очилганди. Айни пайтда 36 киши меҳнат қилаётган корхонада воҳанинг «Насаф», «Шўртан» ва «Машъал» футбол клублари учун спорт либослари тикилмоқда.***

— Цех очилгач, Япония ва Хитойдан тикув машиналари олиб келдик. Газлама матоларини ҳам Хитойдан сотиб олаяпмиз. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги «Cotton road» қўшма корхонаси билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — деди биз билан суҳбатда цех бошлиғи Узоқ Ҳайитов. — Айни пайтда кунига минг донадан футболка ва шорти тикиляпти. Шунингдек, «Насаф» футбол клуби аъзолари ва Академияси тарбияланувчилари учун спорт костюмлари тайёрлаяпмиз. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоятдаги футбол жамоалари машғулот ва мусобақалари учун спорт либосларига буюртма берилишига ҳам ўрганиб қолдик. Кўрилаётган фойда «Насаф» профессионал футбол клубини ривожлантириш учун сарфланади.

Цех устаси Зубайда Набиева, бичувчилар Малика Хўжакелдиева, Новвот Жумаева, тикувчи қизларимиз Шаҳноза Норматова, Саодат Муродова, Назокат Қиличева ўз касбининг устаси ҳисобланишади.

Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, ходимларимиз ўртача 300-400 минг сўм атрофида маош олишади. Ишчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун турли саёҳатлар уюштириб турилади. Ўтган йили ходимлар Китоб туманидаги Ҳазрати Бешир зиёратгоҳида, бу йил Бухорода Баҳовуддин Нақшбандий зиёратгоҳида бўлди. Бундан ташқари, ишчиларимиз Шаҳрисабз тумани Мироқи қишлоғидаги сўлим масканда ҳордиқ чиқариш имконига эга.

Биласиз, 2014 йил Россиянинг Сочи шаҳрида қишки Олимпия ўйинлари ўтади. Яқинда рус диёридан мутахассислар маҳсулотларимизни кўриб кетишди. Спорт кийимларимиз уларга маъқул келиб, Олимпиада учун катта ҳажмда буюртма берадиган бўлишди. Агар икки томонлама шартнома имзоланса, яна янги иш ўринлари яратиш имкони туғилади.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Болалар спорти

***Фарғона вилоятида болалар спортини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Янги бунёд этилган, мустаҳкам моддий-техник базага эга спорт иншоотларида шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.***

# Чемпионлар мактаби

Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Мактабда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, қўл тўпи, стол тенниси, бокс, эркин кураш, дзюдо, турон якка кураши, каратэ, шахмат, кикбоксинг каби спорт турларини ривожлантириш мақсадида мунтазам машғулотлар олиб борилаётир.



— Ҳозир спорт мактабимизда 652 ўқувчига Адҳам Эминов, Исроил Рустамов, Дилшод Абдураҳмонов, Алишер Нишонов каби 21 нафар тажрибали мураббий спорт сирларини ўргатмоқда, — дейди мактаб директори Камолиддин Акбаров. — Кенг ва шинам спорт майдонлари ва залларида барча шароит мавжуд. Бу ерда, асосан, Янги боғ, Ёрқин, Иқбол, Терак таги, Бурҳониддин Марғиноний номидаги маҳалла ёшлари шуғулланмоқда.

Мазкур спорт мактабида нафақат ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш, балки уларни профессионал спортчилар этиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб тарбияланувчилари мамлакатимизда ўтказилаётган кўплаб мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Бокс бўйича Даврон Юсупов, енгил атлетика бўйича Гуласал Мўминова, Нилуфар Дадабоева, Гуласал Умидова, шахмат бўйича Сардор Ёқубжонов каби ёшлар шулар жумласидандир.

**М.СУЛАЙМОНОВ**

## Каратэ

# Уч бронза медали

***Истанбул шаҳрида каратэ бўйича халқаро турнир ташкил этилди. Ушбу спорт мусобақасида вакилларимизга учта бронза медали насиб этди.***



Мусобақада 1986-1990 йилларда туғилган спортчилар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда Отабек Ҳожиматов кумитэ йўналишларида учинчи ўриндан жой олди. О. Ҳожиматов ката баҳсларида ҳам муносиб иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритди.

1996-1997 йилларда туғилганлар ўртасидаги курашда яна бир вакилимиз Саидислом Абдуллаев ҳам кумитэ беллашувларида ўз маҳоратини намойиш қилди.

**Ўз мухбиримиз**

## «2010 йил — Баркамол авлод йили»

# Жисмонан соғлом, маънан етук...



Андижон Олимпия захиралари коллежида 1655 нафар талаба спортнинг 30 йўналиши бўйича таҳсил олаяпти. Уч қаватли ўқув биносида 14 та умумтаълим фан ва 10 та махсус фан кабинети бор. Бундан ташқари, 48х108 ҳажмдаги универсал спорт мажмуаси мавжуд бўлиб, у ерда 30 та спорт тури бўйича машғулот ўтказиш мумкин. Шунингдек, 500 метрли бокс ҳамда оғир атлетика зали, гимнастика, кураш майдонларида мусобақа ва машғулотлар олиб борилмоқда.

Универсал спорт манежидаги пол тўшамалари Германиянинг «Политан» фирмаси мутахассислари томонидан ётқизилган. Спорт манежи ёз ва қишда бир хил ҳароратни сақлаб турувчи Франциядан келтирилган кондиционерлар билан жиҳозланган. Сув ҳавзаларида сузишнинг 32 тури бўйича мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд. Бир қанча очиқ спорт майдончалари, теннис кортлари талабалар ихтиёрида. 120 нафар малакали мураббий машғулот олиб бораётир. Улардан 5 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий», қолганлари эса олий ва биринчи тоифали мутахассислардир.

Ҳозирда коллеж ўқувчиларидан 3 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 247 нафари спорт усталигига номзод, 304 нафари биринчи разрядли, 579 нафари оммавий разрядларга эга. Талабалардан 178 нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳисобланади.

Эришилаётган ютуқлар ҳам таҳсинга лойиқ. Яқинда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар олимпиадасида коллеж тарбияланувчилари муваффақиятли иштирок этди. Умуман, 2010 йил мобайнида коллеж талабалари халқаро турнирларда 26 та олтин, 31 та кумуш, 25 та бронза ҳамда Ўзбекистон биринчиликларида 22 та олтин, 20 та кумуш, 29 та бронза медали билан тақдирландилар. Коллеж педагог-ўқитувчиларидан бокс бўлими бош мураббийлари Алишер Абдуллаев, Абдувоҳид Жалолов «Дўстлик» ордени, уларнинг шогирди Ботир Маҳмудов эса «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

— Коллежда ҳар душанба ва шанба кунлари турли хил тадбирлар ўтказилади, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ф.Авулов.— Унда кўплаб талабалар, спорт мусобақалари ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва ҳомийлар совғалари топширилади. Асосий вазифамиз — ёшларни маънан етук, изланувчан, Ватанга садоқатли ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашдан иборат.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



*Бу йил кимё йўналиши бўйича Нобел мукофотига органик синтезда палладий катализатори ихтироси учун Ричард Хек, Ей-ичи Негиши ва Акира Сузуки лойиқ топилди. Ушбу хабар 6 октябр куни Стокголмдаги Каролин институтида эълон қилинди. 10 миллион швед кронаси (1 миллион евродан кўпроқ)га тенг мукофотни топшириш маросими 10 декабрда ўтказилади.*

## Нобел мукофоти палладий катализатори ихтирочиларига берилди

Палладий металидан ясалган катализаторлар углеводородлар ўртасида янги боғланиш пайдо қилувчи реакцияларни тезлатади. Мазкур катализатор электроника ёки қишлоқ хўжалиги соҳасидаги органик моддаларни синтезлаш реакцияларида катта фойда келтиради.

Матбуот конференциясида Ей-ичи Негиши ушбу мукофотга сазовор бўлишни 50 йилдан бери орзу қилганини қайд этди.

## Инсониятнинг 6909-тили топилди



**«National Geographic» жамияти томонидан ташкил қилинган экспедиция Ҳиндистон шимоли-шарқидаги Аруначал-Прадеш штатида аввал фанга маълум бўлмаган, хитой, тибет ва бирма тилларига яқин тилни кашф қилади.**

«Коро» деб аталадиган ушбу тилда 800га яқин одам гаплашар экан. Кашфиёт ҳақидаги мақола Ҳиндистоннинг «Indian Linguistics» илмий журналида нашр этиш учун қабул қилинган. Шунингдек, «National Geographic» жамияти Аруначал-Прадеш тиллари ҳақидаги «Тилнинг сўнгги авлод вакиллари» (The Last Speakers) номли илмий-оммабоп китобни нашр қилди.

Халқаро тилшунослар гуруҳи Хитой-Тибет оиласига кирувчи «ака» ва «мижи» тилларини ўрганиш учун Аруначал-Прадешга етиб келди. Улар маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилиш жараёнида луғат таркиби, товуш тизими ва грамматик жиҳатдан мустақил янги тилни ҳам кашф қилишди. Экспедиция қатнашчиси Дэвид Харрисоннинг сўзларига қараганда, «коро» ва «ака» бир-биридан худди инглиз ҳамда япон тилларидек фарқ қилади.

Коро дунё тилшунослигида қайд қилинган 6909-тил бўлди. Айтиб ўтилганидек, унда бор-йўғи 800 киши мулоқот қилади ва уларнинг жуда оз қисми 20 ёшдан кичик. Шу сабабли, бу тилнинг қисқа муддатда «ўлиш» хавфи бор.

*Литва махсус тергов хизмати мамлакат жанубидаги Алитус шаҳри мэри Чесловас Даугелни қамоққа олди. Шунингдек, мэрлик маъмурияти директори Гедрюс Черешкявичюс, шаҳар қурилиш ишлари бўлими мудири Сигитас Стумбрас ва исми маълум қилинмаган тадбиркор ҳам қўлга олинган.*

## Қонунбузар мэр



Улар хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳамда йирик миқдордаги камомад (500 минг лит — тахминан 200 минг АҚШ доллари) билан айбланмоқда. Қонунбузарлик қисман шаҳар стадионини қайта тиклаш жараёнида юз бергани аниқланган.

Хабарларга қараганда, бу воқеалардан аввалроқ мамлакат социал-демократлар партияси вакиллари мэрни солиқ операцияларидаги фирибгарликда гумон қилиб, вазифасидан бўшатишни талаб қилган. Бу айбловлар натижасида Даугел 2008 йилнинг декабрида истеъфога чиқишга тайёр эканлигини маълум қилган эди.

Яқин кунларда Чесловас Даугел ва бошқа айбланувчиларга чора кўрилиши кутилмоқда.



## Яман пойтахтидаги портлаш

**Кеча Яман пойтахти Сана шаҳридаги Британия элчихонаси яқинида портлаш юз берди.**

Британия дипломатик вакиллиги портлаш ҳақидаги маълумотни тасдиқлади ва дастлабки маълумотларга кўра, қурбонлар бўлмаганини хабар қилди. «Ал-Жазира» телеканали эса портлаш оқибатида жабрланганлар бўлганини маълум қилган.

Тахминларга кўра, террорчилар Буюк Британия элчисининг ўринбосари ўтирган автомобилни портлатмоқчи бўлган. Гувоҳларнинг айтишича, портлашдан камида уч киши жабрланган.

## Ўн ёшли наркотик сотувчилари

*Англиянинг Ланкашир графлигидаги Берли шаҳри мактабларидан бирида ёнидан марихуана пакетлари топилган тўртта ўн яшар бола қўлга олинди.*



Болалар танаффус пайтида мактабдошларига наркотик сотаётганда ўқитувчилар томонидан тутиб олинган. Мамлакатнинг баъзи ОАВларида маълум қилинишича, жиноят ҳали тасдиқланмаган ва тергов ишлари давом этмоқда. Шунга қарамай, қўлга олинган болалардан бирининг онаси ўғлини бу ишга ўртоғи мажбур қилганини айтган. Ўғлининг тан олишича, улар пулни олдиндан олиб, наркотик келтириб беришган.

Суриштирув ишлари кетаётгани сабабли тўрттала бола ҳам дарслардан четлатилди. Тергов якунлангандан сўнг улар мактабдан батамом ҳайдалиши ҳам мумкин. Агар мактабда ўқишни давом эттиришса, улар назорат органи вакилларининг доимий назорати остида бўлишади.

## 480 километрни «қўлсиз» босиб ўтади

*Фил Комар исмли америкалик мотоциклни қўлсиз бошқариб, узоқ масофага саёҳатга чиқмоқчи. У ўзининг «Harley-Davidson» русумидаги мотоциклида 480 километрни босиб ўтишни режалаштирган.*



61 ёшли ҳайдовчининг сўзларига қараганда, у «қўлсиз саёҳат»ни 9 октябрда бошлайди. Мотоцикл ишқибози Мичиган штатининг Макинак кўпригидан йўлга чиқиб, Огайо штати чегарасида саёҳатини якунлайди. Комар саёҳат пайтида мотоциклини оёқлари ва тана ҳаракатлари ёрдамида бошқаради. У 50 йиллик ҳайдовчилик тажрибасига таяниб, масофани фавқулодда қийинчиликларсиз босиб ўтишига ишонмоқда.

Мотоциклчи ўзининг бу ғалати саёҳати хайрия мақсадида амалга оширилаётганини таъкидламоқда. Кутилаётган 3000 доллардан ортиқ маблағни у Паркинсон хасталиги тадқиқотчиларига бермоқчи. Унинг отаси айни шу касаллик туфайли вафот этган.



## Калашников автомати билан

**Францияда 5 октябр куни террорчиликда гумон қилиниб 12 киши қўлга олинди.**

Мамлакатнинг Марсел ва унинг яқинидаги Авиньон шаҳарларида ўтказилган операциялар натижасида тўққиз киши қўлга олинди. Тинтув пайтида улардан бир нечта ўқотар қурол, шунингдек, Калашников автомати ва бошқа жанговар ашёлар топилган.

Марсел ва Бордо шаҳарларида яна уч киши қўлга туширилган. Мамлакат ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ОАВга берган маълумотларига қараганда, террорчиликка қарши ўтказилган ушбу чоралар ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда ўтказилган.

Марсел ва Бордо шаҳарларида қамоққа олинган гумондорларни қўлга тушириш 5 октябр куни Италияда қамоққа олинган Франция фуқароси Рияд Аннуни туфайли муваффақиятли ўтган. У Неапол вокзали яқинида портловчи қурилма ясашда ишлатиладиган ашёлар билан қўлга тушган эди. Полициячилар унинг қўл телефонидан Францияда қўлга олинган уч кишининг рақамларини топишган.

**Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади**

Ishonch 2010-yil 7-oktabr
№ 121 (2846)

Маҳалланг — отанг, онанг

# Улардан ўрнак олайлик!



— Ойижон, болалар майдончасига бориб ўйнаб келайлик.

Анчадан бери қаровсиз ётган жойда болаларнинг эмин-эркин ўйнаши учун мўъжаз майдонча барпо этилди-ю ота-оналарнинг қулоғи тинчимай қолди. Бундан уларнинг ўзлари ҳам хурсанд. Ахир жажжи фарзандининг бехавотир ўйнаб-кулиши кўнгилга хотиржамлик бағишлайди-да!

Учтепа туманидаги «Кўҳна Чўпонота» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган ушбу масканни ҳозирда болажонларнинг шодон қийқириғи тутган. Жажжи қалбларга бахт улашган бу хайрли ишга йиғин раиси Лутфулла Тўлаганов бош бўлди. Баркамол авлод йили тадбирлари доирасида 3 та ана шундай майдонча ҳашар йўли билан қурилиб, ишга туширилди. Маҳалла ҳудудида ҳозирги пайтда 17 та болалар майдончаси бор.

Шунингдек, ҳудудда жойлашган боғда спорт мажмуаси фаолият кўрсатади. Бу ерда теннис, футбол, мини футбол, таэквандо, волейбол секциялари мунтазам ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг соғлом, бақувват, иродали бўлиб камол топиши учун ҳамма шароитлар муҳайё. 12-14 ёшдаги болалардан иборат футбол жамоаси туманда ўтказилган мусобақада 2-ўринни олди. Уларни рағбатлантириш учун тўп ва майкалар олиб берилди. Бундан ташқари, «Делфин» чўмилиш ҳавзасига ёзги таътил пайтида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 300 дона йўлланма берилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



# «Олтин фасл» кроссворди

**Диогоналлар бўйича: 1.** Кузги ҳосил уюладиган майдон. **2.** Қатма-қат тўпгуллари турли рангда кузда чиройли бўлиб очиладиган гул. **4.** Ўсимликларнинг кузги япроғи. **7.** Мой ва тола олинадиган экин.

**Энига: 6.** Ҳосилни йиғиб олиш мавсуми. **8.** Қишга сақланадиган, баъзи жойларда тупи кузда кўмиладиган ҳўл мева. **9.** Шамсия йил ҳисобидаги куз ойларидан бири.

**Бўйига: 3.** Оммавий қовун сайилларида ўтказиладиган баҳс. **5.** Кузги тенг кунликда қадимдан ўтказилиб келинган миллий, ҳосил ва фасл байрами.

**ЧАЙНВОРД**

**1.** Кеч куз даври. **2.** Оқ узумнинг доналари йирик, боши катта, майизбоп хили. **3.** Танаси қаттиқ, ҳосили серсув мева. **4.** Меваси майдароқ, уруғсиз узум. **5.** Илдизмевали сабзавот. **6.** Бир йиллик дуккакли экин. **7.** Кузги ер ҳайдаш. **8.** Қишга сақланадиган, хушбўй олма нави. **9.** Нокнинг сершира, сувли йирик нави. **10.** Ток тупни кўтариб турувчи мослама, узумзор кўрки. **11.** Пояси баланд, дони сўтасида бўладиган ғалла ўсимлиги, чорва озуқаси. **12.** Кузда пишиб етиладиган майда, қора ёки қизил мевали ёввойи, шифобахш, бир йиллик ўсимлик. **13.** Дарслар куз фаслида бошланадиган илмгоҳ. **14.** Мевазор ва гулзор маскан. **15.** Беда, пичанларнинг тўпланган уюми. **16.** Сабзининг йўғон ва учи тўмтоқ нави. **17.** Ҳосили қишда тузланадиган полиз экини. **18.** Узумнинг кузпишар нави. **19.** Республикамизда етиштириладиган карам навларидан бири. 20. Ҳосили пиширилмай истеъмол қилинадиган кузпишар илдизмева сабзавот. **21.** Ватанимизда улкан хирмон уюладиган, тола ва ёғ олинадиган техника экини. **22.** Анор навларидан бири. **23.** Мезондан сўнг бошланадиган куз ойи. **24.** Халқ мақолидан: Одам — одам билан, писта ... билан. **25.** Аччиқ меваси зиравор сифатида ишлатиладиган тропик ўсимлик. **26.** Қизғиш, жигарранг пўстли, оқ, ширин этли кузпишар шифобахш мева. **27.** Куз фасли ўрталарида уйқуга кетадиган ўрмон йиртқичи. **28.** Қовуннинг кечпишар, қишга сақланадиган нави. **29.** Сув йўли. **30.** Бақлажоннинг кечпишар хили. **31.** Таом учун ишлатиладиган сабзавот. **32.** Кеч куз даврига хос, аччиқ, совуқ шамол.

**МУАММОНОМА** Аввало, қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

**1.** Сутканинг куз фаслида қисқариб борадиган қисми **— 4,5,2.**

**2.** Данаги олинган ҳолда қуритилган мева — **3,13, 7,6,13,4.**

**3.** Хушбўй уруғи таомга лаззат берувчи ўсимлик **— 10,1,7,13.**

**4.** Куздан сўнг бошланадиган фасл **— 8,1,11.**

**5.** Ғалла экини ҳосили **— 14, 9,2.**

**6.** Вақт ўлчови бирлиги **— 9,12.**

Энди калит сўзларнинг жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг, бунда улардан ўзбек халқ мақолларидан бирини билиб оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ**

Ҳикоят

# Табибнинг давоси

***Кекса аёл тўсатдан кўрмай қолибди. Дори-дармонга кўп пул сарфласа-да, ҳеч кор қилмабди. Ниҳоят, Денбад исмли табиб уни даволамоқчи бўлибди, бироқ жуда кўп ҳақ сўрабди.***

***— Агар даволай олсанг, кўзим аввалгидай кўрса, айтган пулингни бераман,– дебди аёл.***

***Шундай қилиб, табиб ҳар куни уни даволаш учун кела бошлабди. Бироқ унинг қўли эгри эди, шунинг учун ҳам ҳар куни аёлга тегишли ниманидир олиб кетарди. Биринчи кун қутиларни, кейин стулларни, кейин столларни ҳам ўмарибди. Лекин беморни ҳам даволашга эришибди.***

***— Энди пулимни беринг, — сўрабди табиб.***

***Аёл эса ҳақ тўлашдан бош тортибди. Табиб аёлни қозига олиб борибди. Аёл эса шундай жавоб берибди:***

***— Табибга «кўзим яхши кўрса, пулингизни бераман» деган эдим. Лекин бундай бўлмади. Кўрмай қолишимдан аввал уйимда қутиларни, стулларни, столларни кўрардим. Энди ҳеч нарсасиз деворларни кўряпман. Демак, мени яхши даволай олмади.***

***Судя аёлни тушуниб кулибди ва Денбадга жиҳозларни олиб келишни буюрибди. Тунда табиб аёлнинг уйдан олган барча нарсаларни келтириб, жойига қўйибди ва қочиб кетибди.***

**Инглиз тилидан**
**Машҳура ОЙМАТОВА**
**таржимаси**

Insonga naf keltirish - oliy baxt

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир:**
**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев
(масъул котиб),
Маъмура Адилова,
Нормамат Аллаёров,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Навбатчи котиб:**
Ж.Шарофбоев

**Навбатчи:**
А.Абдуллаев

**Мусаҳҳиҳ:**
С.Шодиева

**Саҳифаловчи-дизайнер:**
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.55

Буюртма Г— 951

Тиражи: 11350

ISSN 2010-5002

1 2 3 5